O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ

ÕZBEKISTON ADABIYOTI VA SAN'ATI

2000 йил

ҲАФТАЛИК ГАЗЕТА

1956 йил 4 январдан нашр этила бошлаган

• 13 октябр, №42(3580) •

ЎЗБЕКИСТОН-УКРАИНА: ҲАМКОРЛИК ЯНАДА КЕНГАЯДИ

12 октябр куни Украина Президенти Леонид Кучма расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасига келди. Тошкент аэропортида юксак мартабали меҳмонни мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов кутиб олди.

«Дўрмон» қароргоҳида бўлиб ўтган Ислом Каримов ва Леонид Кучманинг яккамаякка суҳбати чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар, халқаро ташкилотлар доирасидаги кўп томонлама ҳамкорлик масалалари, минтақавий хавфсизлик, терроризм, бошқа долзарб жаҳоншумул муаммолар хусусида сўз борди.

Икки давлат расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама қилинди.

Украина бизнинг асосий иқтисодий шерикларимиздан биридир. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-сотиқ ҳажми юз миллионлаб АҚШ долларини ташкил этади. Украина Ўзбекистондан, асосан, табиий газ, пахта толаси, тўқимачилик, самолётсозлик ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари харид қилса, мамлакатимиз ундан шакар, кунгабоқар мойи, қора металлургия, кимё ва машинасозлик соҳасида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар импорт қилади. Жорий йилнинг дастлабки олти ойида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо ҳажми 124,88 миллион АҚШ долларини ёки 1999 йилнинг шу даврига нисбатан олганда, 103,9 фоизни ташкил этди.

Шу ўринда Украинанинг айни пайтдаги иқтисодий аҳволи хусусида ҳам тўхталиб ўтсак. Мамлакатнинг кўп йиллар ҳукм сурган иқтисодий инқироздан чиқиши унчалик осон кечмаяпти, албатта. Бироқ ўтган йилнинг иккинчи ярмига келиб, ишлаб чиқариш пасайишини тўхтатишга эришилди. Жорий йилнинг дастлабки етти ойида эса Украинада саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши кузатилди.

Мамлакатларимизнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий алоқаларини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг салмоқли ҳуқуқий асоси мавжуд. Шу кунгача бу борада юзга яқин ҳужжат имзоланган бўлиб, улар мамлакатлараро муносабатларнинг деярли барча жиҳатларини қамраб олади.

1999 йилда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Украина раҳбари Леонид Кучма томонидан имзоланган 1999-2008 йилларда ўзаро иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий йўналишларини белгилаб бергани билан муҳим аҳамиятга эга. Унда қўшма сармоявий лойиҳаларни амалга ошириш, савдо-сотиқни янада яхшилаш, маҳсулот ва транспорт транзитига кенг йўл очиш ҳамда кучайтириш каби вазифалар акс этган.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокаралар сўнгида эришилган келишувлар мазкур ҳуқуқий пойдеворни янада мустаҳкамлади. Ўзбекистон билан Украинанинг ўзаро ҳамкорлиги стратегик асосда қурилгани бу муносабатларнинг юксак даражада эканидан дарак беради.

Таъкидланганидек, Ўзбекистон ва Украина расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги музокараларида, асосан, иқтисодий масалалар муҳокама этилди. Унда, жумладан, ГУУАМ (Грузия, Ўзбекистон, Украина, Озарбойжон ва Молдова аъзо бўлган норасмий тузилма) доирасида ҳамкорлик ҳамда Евроосиё транспорт йўлагини ташкил этиш борасида фикр алмашилди.

Евроосиё транспорт йўлагининг яратилиши ГУУАМ фаолияти билан чамбарчас боғлиқлигини таъкидламоқ зарур. У мазкур тузилмага аъзо мамлакатлар ҳудуди бўйлаб ҳам ўтади ва табиийки, катта фойда келтиради. ГУУАМ доирасидаги ҳамкорликнинг кенгайиши транспорт коммуникациясининг ривожига катта таъсир қилади. Бу эса, ўз навбатида, мамлакатларимизнинг транспорт-транзит имкониятларини оширади.

«Дўрмон»даги музокаралар якунида ўнга яқин қўшма ҳужжат имзоланди. Икки мамлакат Президентлари қўшма баёнотга имзо чекишди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси билан Украина ўртасида ҳарбий-техникавий ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги протокол, фуқароларнинг ўзаро борди-келди шартлари, давлатларимиз ҳудудига ғайриқонуний равишда келадиган шахсларни ўзаро қабул қилиш ва топшириш, гиёҳвандлик воситалари, руҳий таъсир қилувчи моддалар ва прикурсорларнинг ноқонуний савдосига қарши кураш ҳамда суд экспертизаси соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар, Самарқанд ва Львов шаҳарлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида ўзаро англашув меморандуми, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети билан Тарас Шевченко номидаги Киев Миллий университети ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома, икки мамлакат ўртасида депортация қилинган ва Ўзбекистондан Украинага қайтиш хоҳишида бўлган шахсларнинг фуқаролиги масаласини ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги аҳдлашув қабул қилинди.

Шундан кейин оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказилди. Президентлар музокараларда кўрилган масалаларда томонларнинг қарашлари бир-бирига тўла мос тушганини эътироф этди. Улар мазкур мулоқотлар, аввалги учрашувлардагидек, фойдали бўлгани ва ўзаро якдиллик руҳида ўтганини таъкидлади.

Маълумки, яқинда Бишкекда Божхона иттифоқига аъзо мамлакатлар — Россия, Беларус, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарларининг учрашувида мазкур ташкилотни Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига айлантириш тўғрисида дастлабки келишувга эришилди. Президентлар шу хусусда берилган саволга жавоб қайтарар экан, бу ҳужжат ГУУАМ фаолиятига таъсир этмаслигини таъкидладилар. Шу кунгача Божхона иттифоқининг фаолияти ҳам кутилган натижаларни бермаганини қайд этмоқ даркор. Мазкур иттифоққа аъзо давлатлар ўзларининг баъзи алоҳида-алоҳида қадамлари билан унинг амалда самара беришига тўсқинлик қилаётгани ҳам маълум.

«Дўрмон»да бўлиб ўтган музокараларнинг қанчалик самарали кечганини имзоланган ҳужжатларнинг сони ҳам кўрсатиб турибди. Леонид Кучманинг юртимизга ташрифи ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада юксалтириш Ўзбекистон учун ҳам, Украина учун ҳам жуда манфаатли эканини яна бир бор намойиш этди.

Украина Президентининг Ўзбекистонга расмий ташрифи давом этмоқда.

Анвар КАРИМОВ,
Ғайрат САЪДУЛЛАЕВ,
ЎзА муҳбирлари.

АЛПОМИШнинг ИККИНЧИ УМРИ

Республика Киночилар уйида янги кино мавсуми «Алпомиш» филмининг тақдимоти билан очилди. Филм «Ўзбеккино» Давлат акциядорлик компанияси буюртмасига кўра, «Ўзбекфилм» қошидаги «Инсон» студиясида кинорежиссёр Ҳ.Файзиев томонидан суратга олинган. Филм сценарийсини Ўзбекистон халқ шоири У.Азим ёзган. Филмда ҳарбий саҳналарнинг кўплиги, либослар ранг-баранглиги, турфа қаҳрамонлар образи, компютер графикасида сайқалланган лавҳалар достон ҳақидаги тасаввуримизни бойитишга ёрдам беради. Афсона ва ҳақиқат, қарама-қарши характерлар, инсоний туйғулар, курашлар силсиласида акс эттирилган қаҳрамонлар тақдири кўз ўнгимизда яққол намоён бўлади. Филмнинг муваффақиятини таъминлаган омиллардан бири унга кўп сонли актёрларнинг жалб этилганидир. Режиссёр Ҳ.Файзиев аксарият театр ва кино актёрларини филмга жалб этиб, экранда достон воқеаларининг жонли чиқишига ҳаракат қилган. Филмда таниқли актёрлар Яйра Абдуллаева, Афзал Рафиқов, Ҳошим Арслонов, Саида Раметова, Ражаб Адашев, Нозим Тўлахўжаев, Хайрулла Саъдиев, Обид Асомов билан бирга санъат оламига эндигина кириб келаётган ёш санъаткорлар ҳам иштирок этишган.

«Алпомиш» бадиий филми Бухорода ўтказилган III ўзбек миллий филмлари фестивалининг кўрик-дастурида иштирок этиб, еттита босқич бўйича ғолиб, деб топилди.

Дарҳақиқат, катта ижодий гуруҳнинг меҳнати самараси бўлган филмлар бугунги кино санъатимиз тараққиётини, йўналишларини белгилаб бераётир. Хусусан, «Алпомиш» филми ҳам қизғин ижодий жараённинг муносиб натижасидир. Албатта, янги филмларнинг ютуқлари билан бирга, камчиликлари ҳам бўлади. Мазкур филм ҳам айрим нуқсонлардан ҳоли эмас. Лекин шуни тан олиб айтиш керакки, минг йиллик тарихга эга «Алпомиш» достонининг илк бор экранга чиқиши ўзи киночиларимизнинг ижодий жасоратидир.

Феруза НОДИРОВА

БУГУНГИ СОНДА:

Олбрайтхонимдан мактуб олган кулол

Музқаймоққа «айланган» тилла зирак 2

Муҳаммад Юсуфнинг янги шеърлари 3



ЙЎЛЧИНИНГ ПРОТОТИПИ БЎЛГАНМИ?

«АШУЛАЛАРИМДАН ХИЖОЛАТ ЭМАСМАН» 4

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Севимли газетангиз

«ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ»га

2001 йил учун обуна давом этмоқда.

Якка обуначилар учун нашр кўрсаткичи — **00222**.

Ташкилотлар учун нашр кўрсаткичи — **00223**.

Обунани мамлакатимизнинг барча шаҳар, туман ва қишлоқ жойларидаги алоқа бўлимлари ҳамда матбуот тарқатиш тармоқлари орқали расмийлаштиришингиз мумкин. Севимли газетангизга

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

ЭКОФЕСТИВАЛГА МАРҲАМАТ!

Диққат!

Президентимиз Ислом Каримов «Мингйиллик саммити» деб ном олган БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда бўлиб ўтган сессиясидаги нутқида энг долзарб миллий ва дунёвий масалалар қаторида Орол ва Оролбўйи муаммоси ҳақида гапириб, шундай деб таъкидлаган эди: «Орол денгизининг фалокати Европа учун, сайёрамизнинг бошқа ҳудудлари учун қандай хатарли ва кутилмаган оқибатларни юзага келтириши мумкинлигига кимнидир ишонтириш ёки буни исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман. Ушбу муаммога бефарқлик қандай натижаларга олиб келиши барчага аён».

Ҳа, Орол билан боғлиқ улкан муаммони бартараф этиш бугунги кунда дунёдаги барча мамлакатларнинг ҳамкорликда, бирлашиб кураш олиб боришини тақозо этиб турибди. Эртага пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги Бобур боғида ўтказилиши кўзда тутилган экофестивал ана шу йўлдаги халқаро ҳамкорликлар сирасига киради.

«Ўзбекистон ва Озарбойжон санъат усталари — Орол болаларига» шиори остида ўтказиладиган мазкур анжуманни тайёрлашда «ЭКОСАН» жамғармаси ва Ўзбекистондаги Озарбойжон элчихонаси ташаббуси билан пойтахтнинг Яккасарой тумани ҳокимияти, «Ешлар» телеканали, «Эколот» қўшма корхонаси ҳамкорликда иш олиб бордилар. Фестивал дастуридан «2000 йил кузи» деб номланган замонавий либослар кўриги, «Орол мусаввирлар нигоҳида» кўргазмаси, табиий гуллар намойишини ўз ичига олган «Тошкент гуллари» танлови, энг муҳими эса, Ўзбекистон ва Озарбойжон санъат усталарининг катта концерти намойиши ўрин олган. Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг мустақиллик кунларига бағишланган фестивалдан тушган маблағ Оролбўйи ҳудудидаги болаларга тиббий ва инсонпарварлик ёрдами кўрсатишдек олижаноб мақсадларга сарфланади.

Томошалар эртага соат 16.00 да Яккасарой туманидаги Бобур боғида бошланади.

Экофестивалга марҳамат!

ЎЙЛАМАЙ КУЙЛАГАН...

Таклиф

Шарқ мумтоз санъатининг таркибий қисмларидан бири бўлган Ўзбек миллий санъатининг мақоми юксак. Она халқимиз, ота-боболаримиз яратган нафосат мўъжизаси неча асрлардан буён дунёни ҳайратга солиб турибди. Мусиқа, архитектура, шеърият борасида инсоният дурдоналарига айланган асарларимиз кўп. Мустақиллик шарофати билан бугун биз ана шундай дурдоналарнинг эгаси эканимизни бутун дунёга намоён этмоқдамиз. «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали бунинг яққол далилидир...

Санъатда, шериятда янги бир асар яралганда кишининг кўзи қувонади, дили яйрайди. Куни кеча «Ниҳол» мукофоти совриндорлари халқимизга катта қувонч бахш этди. Сўздаги кашфиёт физикадаги ёхуд кимёдаги кашфиётдан кам эмас. Устоз Абдулла Қаҳҳор «Адабиёт атомдан кучли», дея санъатнинг моҳиятига муносиб таъриф берганлар...

Аммо айнан ижодкорлар сўз масъулиятини ҳис қилмаса, дардингизни кимга айтасиз? Мен бежиз таъна қилмаяпман. Баъзида бадиий жиҳатдан саёз китоблар чиқса, чидайсиз. Шуни ўқимай қўя қоламан деб ўзингизни овутасиз. Аммо ҳаво тўлқинлари ва зангори экран орқали бутун мамлакатимизга намойиш этилаётган мантиқсиз қўшиқларни эшитганда нима дейсиз?

Масалан, ёш хонанда Равшан Собиров куйламоқда:

Сен ўйлама, сен йиғлама,
Юрагингни қийнама.
Бу азоблар ўтиб кетар
Кўз очиб юмгунингча.

Қўшиқни эшитаётиб, истеъдодли хонандага шундай мурожаат қилгингиз келади:

— Ука, овозингиз анча яхши экан. Аммо қўшиқ дегани фақат мусиқа ва овоздан иборат эмас. Қўшиқнинг шеър деган яна бир асоси ҳам бор. Яхши шеърдан яхши қўшиқ чиқади. Сиз айтаётган бу сўзлар шеър эмас-ку! Оддий гап-ку! Наҳотки, сиз учун оддий гап билан шеърнинг, санъатнинг фарқи қолмаган бўлса?

Бир қиз келар, бўйлари
Райҳон-райҳон.
Жамолинг кўриб ақлим
Ҳайрон-ҳайрон...

Даврон Эргашев куйлайдиган ушбу қўшиқ матнида бир қарашда камчилик кўринмайди. Аммо матн мазмуни жуда саёз ва ўта жўн. Сўзида янгилик ва кашфиёт бўлмаган қўшиқ билан санъатнинг юксак чўққиларини забт этиб бўлмайди-ку!..

Иқтидорли хонанда Анвар Санаев қўшиқлари ҳам ана шундай камчиликлардан холи эмас.

Қора кўзингга,
Ширин сўзингга,
Етолмадим мен,
Жоним, ўзингга...

Қўшиқ матни айтилавериб, сийқаси чиқиб кетган сўзлардан тузилган. Қофияси энг ночор ва энг заиф шаклда. Сўзларнинг мағзи пуч... Бундай сўзлар қўшиқ оҳангига ўйноқилик ва гўзаллик бахш этмайди. Улар парвоз қилмайди, пуфакдек ёрилиб кетади...

Баъзи ижодкорлар туйғуни оҳанг орқали ифодалашга интиладилар. Бу — ёмон эмас. Аммо ана шу оҳанг маълум бир мазмунга йўналтирилиши керак. Оҳангдан зоҳир бўлган мантиқ қудратлидир. Аммо оҳангга алданиб, мазмунга эътибор берилмаса, ундай қўшиқ заиф қўшиқ бўлиб қолаверади. Абдулла Қурбоновнинг машҳур қўшиғини эсланг:

Шабнам, эй гули шабнам,
Умидлар сари отлан!

Аслида «отланмоқ» сўзи отга минмоқ сўзидан олинган. Бу сўз отга миниб, бирон ёққа бормоқ маъносида ишлатилган. Ҳозир кўчма маънода ишлатилади — «жўнамоқ» сўзининг синоними. Ўз маъносида ҳам қўлланади. Мен шу ўринда «шабнам»нинг, яна гул япроғидаги шабнамнинг отланишини ҳеч ақлимга сиғдиролмайман. Ҳатто «отлан» сўзи кўчма маънода қўлланганида ҳам «умидлар сари отлан» — жуда ғализ ибора. Айб сўзларнинг ўзаро мутаносиб эмаслигида. «Шабнам» ва «отлан» сўзларини уйғунлаштиришга уриниш туяни игна кўзидан ўтказишга мажбур қилиш билан баробар...

«Ўйламай сўзлаган — оғримай ўлар», дейди халқимиз. Бу мақолда «ўлар» сўзи кўчма маънода келган. Унинг қайси маънода эканини аниқлаш учун «Уят ўлимдан қаттиқ» мақолини эслаш кифоя. Лекин баъзи ҳофизларимиз ўйламай сўзлашдан уялмаяптилар. Ҳатто ўйламай куйлашдан ҳам тап тортмаяптилар. Жаҳонгир Отажонов Ноқиснинг мумтоз ғазалини айтганида унга нисбатан ҳурматимиз ошган эди. Келажагига умид боғлаган эдик. Аммо истеъдодли хонанданинг янги қўшиғини эшитиб, ҳайрат бармоғимизни тишлаб қолдик:

Аразламанг, жоним,
аразламанг,
Ўзим ўсма қўяй шу
қошингизга.
Юрак туйғуларим айтаман
сизга,
Аразламанг мендан,
аразламанг...

Энди йигит киши «Ўсма қўяй қошингизга», деб турса!.. Уят!!

Бизнинг миллатимизда йигитлардаги мардлик қадрланган. Ор-номусни сақлаш ҳамма нарсадан устун турган. Ор-номус учун жон олиб, жон берилган. Ундай деманг, ҳофиз ука, ундай деманг! Уят бўлади. Эшитган қулоққа ёмон. Чет элликлар шу қўшиқни таржима қилиб беринглар деса, нима деймиз?..

Яқинда «Байрам» гуруҳининг янги қўшиғини эшитиб қолдим:

Кундан гўзал, ойдан гўзал,
Ўзбекнинг қизлари
ҳаммадан гўзал...
Кўз-кўз қилиб кийибсиз
атлас,
Қизлар гули, йигит сири,
Лолаю Дилдора, Мукаддас...

«Эгиз қўшиқлар»ни-ку, эшитган эдим. Аммо «Байрам»нинг бу қўшиғини тинглаб, эстрадада «қурама қўшиқ» деган янги жанр пайдо бўлибдими деб ўйланиб қолдим...

Айтанг!

Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг «Гўзал» шеърини ҳамма билади. Бу машҳур шеър қўшиқ ҳам қилинди. «Ойдан-да гўзал, кундан-да гўзал...» Яна бир эски қўшиқ бор: «Муҳайё, Сурайё, Раъно, Мукаддас, Кўзимни яшнатиб кийибсиз атлас...» Демак, «Байрам» гуруҳи мана шу иккита қўшиқни аралаштириб, «атала» қилиб янги қўшиқ яратибди-да. Ажабо! Киноя ўз йўлига, аммо жиддий айтганда, санъатга ҳурмат туйғуси қаёқда қолди? Машҳур ҳофизларимизнинг бир-бирларига юксак эҳтиром кўрсатишдек анъаналари қани? Узтозларининг шоҳбайтларини ғазаллари бошига тож қилган шоирларнинг авлодларимиз, ахир! Наҳотки, ана шундай анъаналар бугун барҳам топган бўлса? «Муҳайё, Сурайё, Раъно, Мукаддас...» ўз даврининг яхши қўшиқларидан эди. Аммо миллатимиз истиқлоли йўлида қурбон бўлган Чўлпон бобомизнинг пок руҳларини беҳурмат қилмайлик!

Бундай нафосатсиз қўшиқлар бир-иккитагина даврада айтилмаяпти, бутун мамлакатимизга намойиш қилинаяпти. Улар ёшларимиз онгига салбий таъсир этмоқда. Фарзандларимизнинг санъат ҳақидаги тасаввурларини лойқалаштирмоқда, эстетик дидларини ўтмаслаштирмоқда. Мана шундай қўшиқларни айтаётган хонандаларга, ёзаётган шоирларга, маданият ва санъат соҳасидаги мутасаддилар ташкилотларга мурожаат қиламан. Барака топкурлар, санъатнинг қадрини туширинг!

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН, СИЗ НИМА ДЕЙСИЗ?

Рустам МУСУРМОН

«ЎЗБЕКИСТОН ЙИГИТЛАРИ» БЎЛСА...

Ўзбекнинг ҳар соҳада шундай етук вакиллари борки, бошқалар ҳавас қилгулик.

Бу соҳа буюкларининг номларини санаб ўтирмай-да, мақсадга кўча қолай.

Анча бўлиб қолди, Абдуҳошим Исмоиловнинг янги — созандалар гуруҳи пайдо бўлди. Гуруҳ ижросидаги куйлардан завқланишдан ташқари, ҳар бир созанданинг маҳоратига қойил қолиб, «Офарин!» дейди киши.

Москвада «Виртуозы Москвы» деган созандалар дастаси бор. Номининг ўзиёқ кўп нарсадан далолат бериб турибди. Даста бутун дунёга машҳур...

Абдуҳошим Исмоилов гуруҳи ҳам нафақат ўзбекларни, бутун жаҳон аҳлини лол қолдира оладиган гуруҳ. Таклифим: бу гуруҳ мустақил ижодий жамоага айланса. Унга «Ўзбекистон йигитлари» деган ном берилса. (Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон йигитлари-да!)

Агар таклиф маъқул бўлиб, жамоа ташкил этилса, унинг сафига Турғун Алиматов, Қаҳрамон Дадаев сингари «дам олаётган» устозлар, Тоҳир Ражабий сингари фаол санъаткорлар ҳам жалб этилса, машҳур хонандалар хизматидан ҳам фойдаланилса, назаримда республикамизда яна бир ажойиб ижодий жамоага эга бўлардик. Бу жамоалар ўртасидаги соғлом ижодий рақобатнинг кучайишига ҳам олиб келарди.

Хуллас, «Ўзбекистон йигитлари»ни кутамиз!

Машраб БОБОЕВ

ЭРМАКМИ Ё ОЛИФТАГАРЧИЛИК?

Акс-садо

Газетанинг ўтган сонларида уяли телефонлардан фойдаланаётганларга муносабат билдириб ёзилган газетхон мактуби эълон қилинган эди.

«Coscom», «Uzdunrobita», «Daewoo Unitel»... каби номлар ҳар биримиз учун таниш. Йилдан-йилга уларнинг сафига янгилари қўшилмоқда. Агар бир йил олдин бир кунда битта ё иккита қўлида уяли телефон кўтариб кетаётган одамни кўрган бўлсак, ҳозир бунақалардан кунига камида 10тасини кўрамиз. Жаҳонга машҳур уяли алоқа билан шуғулланувчи фирмалар ҳисоботлари шуни кўрсатадики, Европадан кўра Осиёда уяли алоқадан 3 маротаба кўп фойдаланилар экан.

Бу қувонарли ҳол, албатта. Бироқ жиддийроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бу ҳолатнинг баъзи салбий жиҳатлари кўзга ташланиб қолади. Кўпгина ёшларимиз бу телефонларни шунчаки эрмак ёки олифтагарчилик учун кўтариб юрадилар. Баъзи талабалар маъруза пайтида «ўз» телефонларини ўчириб қўйиш ўрнига, овозини янада баландроқ қилиб қўядилар. Бундай ҳолат фақат домланинггина эмас, балки талабаларнинг ҳам диққатини чалғитади. Талабаларку, майли, ёшлик - бебошлик десак, ёши бир жойга бориб қолган, олий маълумотли кишиларнинг хатти-ҳаракатлари баъзида талабаларникидан ҳам ошиб тушади. Масалан, театрга тушганда телефон қўнғироғи томошабинларгагина эмас, балки саҳнада рол ўйнаётган артистларга ҳам халақит бериб, уларни чалғитади. Энг ёмони, бундай ҳолатлар бот-бот такрорланмоқда.

Гапнинг индаллоси, уяли телефонларнинг эгалари озгина бўлса ҳам ундан фойдаланиш маданиятини ўрганишса ва бундай телефонлар олифтагарчилик воситаси сифатида эмас, иш учун хизмат қилса...

Хуршид РАУПОВ

БИЛДИРИШ

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши, ЎзРФА, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги «Давлат тили ҳақида»ги Қонуннинг 11 йиллигига бағишлаб «Тилга ихтиёр — элга эътибор» мавзуида илмий-назарий ва амалий анжуман ўтказади. Унда олимлар, адиблар, маданият ва санъат арбоблари қатнашадилар.

Анжуман шу йил 17 октябр, сешанба куни соат 10.00 да Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси раёсатининг катта мажлислар залида бошланади.

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яҳё Ғуломов кўчаси, 70-уй.

Ўзбеклар ва дунё

ОЛБРАЙТХОНИМДАН МАКТУБ ОЛГАН КУЛОЛ

Акбар Раҳимов мамлакатимиздаги таниқли кулоллардан ҳисобланади. У Республика Бадиий академиясининг академигидир. Кулолнинг асарлари нафақат мамлакатимиздаги, балки Москва, Санкт-Петербург ва Германиянинг Целли шаҳридаги музейлардан ҳам жой олган. Мустақиллик байрами арафасида Акбар Раҳимов «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. Қуйида эътиборингизга мухбиримизнинг у билан қилган суҳбатини ҳавола этяпмиз.

— Акбар ака, аввало, сизни кўпминг сонли газетхонларимиз номидан юксак мукофот билан табриклайман.

— Раҳмат, мен буни камтарин меҳнатимга берилган катта эътибор, деб биламан. Бунинг учун санъат ва адабиётимизнинг раҳнамоси Президентимиздан миннатдорман.

— Суҳбатимизни кулолчиликка қандай кириб келишингиздан бошласак.

— Бу ҳунар мен учун ота мерос. Отам, отамнинг отаси... кулол бўлишган. Мен ҳозир бу сулоланинг бешинчи авлодиман.

— Демак, авлоддан авлодга ўтган сари бу ҳунар, унинг маҳсули тобора сайқал топиб келаётган экан-да?

— Албатта. Барча соҳада бўлгани каби, бизнинг лой, сув ва олов билан юзага келадиган ижодий ишимизнинг ўзига яраша қийинчиликлари бор. Бу санъат сир-асрорларини чуқур ўрганиш учун инсонда, аввало, ўткир зеҳн, дид, ўз ишига меҳр-муҳаббат, эътиқод, сабр-тоқат бўлиши лозим. Шундагина бу нозик ва ўта мураккаб ҳунарни пухта эгаллаш мумкин.

Отам Муҳиддин Раҳимов ана шундай фазилат эгаси эди(Оллоҳ раҳмат қилсин). У киши Ўзбекистонимиздаги кўпгина усталар билан тез-тез ижодий мулоқотда бўлиб турардилар. Кейинроқ билсам, бунинг ижодга жуда катта ёрдами тегар экан. Отам «Ўзбекистон бадиий кулолчилиги» номли китоб ёзганлар. У киши Ўзбекистон халқ рассоми, давлат мукофоти лауреати, санъатшунослик фанлари номзоди эдилар. Ҳозир бу хайрли ишни давом эттириш менга насиб этди. Унинг хотирасини абадийлаштириш учун уйимизда Муҳиддин Раҳимов номли уй-музей ташкил этдик.

Кулолчилик тарихий санъат. Бу санъат сирларини яхшироқ ўрганган сайин тарихимизни, ўтмишни ва бугунимизни янада теранроқ билиб борамиз. Санъат билан шуғулланган одамнинг кўнгли доимо эзгулик, меҳрга ошно бўлади.

— ЮНЕСКОнинг фахрли дипломини олган экансиз...

— Бир неча йиллар мобайнида ўтказиб келинаётган кўргазмаларим ЮНЕСКО раҳбарияти эътиборидан четда қолмаган экан, 1995 йили Ўзбекистондаги энг яхши кулоллардан бири сифатида диплом билан тақдирландим. 1998 йилдан буён «Самарқандннг мовий сополлари» номли муҳим лойиҳага раҳбарлик қилаяпман. Бу лойиҳа бўйича барча архитектура обидаларини таъмирлаш ишлари билан шуғулланиб, таъмир учун керакли бўёқларни мамлакатимизда ўсадиган ўт-ўланлардан тайёрлашни йўлга қўймоқчимиз.

ЮНЕСКО ҳомийлигида икки марта кулолчилик бўйича йирик анжуман ўтказдик. Анжуманларда Япония, Франция, Австрия, Туркия, Эрон, Австралия, Корея каби йигирма тўрт мамлакатдан мутахассислар қатнашиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашишди.

— Ижодий ишлар билан Франция, Германия, Туркия, Япония каби мамлакатларда сафарда бўлган экансиз. Хорижда сизнинг ижодингизга, умуман, ўзбек кулолчилик санъатига қандай муносабатда бўлдилар?

— Ўз миллий санъатини эъзозлаган, унинг қадрига етган халқ, демак, унинг ижодкори ҳам ўша санъати мевасидан, албатта, баҳраманд бўлади. Дарҳақиқат, шу кунгача бир неча юртларда бўлиб, хорижлик санъатсеварларнинг ҳурматига сазовор бўлдим. Бу хайрли ишлар, аввало, мустақиллигимиз шарофатидан деб биламан. Қаерда бўлмайин, урф-одатларимиз, умуман, халқимиз ҳаётига қизиқиш жуда катта эканлигининг гувоҳи бўлдим.

1997 йили Японияда бўлганимда мени телевиденияга таклиф этишди ва «Буюк Ипак йўли» мавзуида бир соатлик кўрсатув тайёрлашди. Кўрсатувда мен иштирок этдим, кулолчилик санъати сирларига доир суҳбатимиз намойиш этилди. Қизиғи шундаки, японларнинг санъат асарларида, айниқса, кулолчилигида шакл, безак ва ранглар бизникига жуда ҳам ўхшаш экан. Умуман, кулолчиликда уч ранг — сариқ, кўк, жигар ранг анъанавийдир. Бу услуб тарихини ўрганганимизда, унинг илк бор V асрда Эронда пайдо бўлгани, IX асрда эса Хитойга ўтгани, ундан сўнг XI асрда Японияга, XIII-XIV асрларда эса Ўрта Осиёга кириб келганидан хабардор бўлдик.

Акбар Раҳимов америкалик ҳамкасблари билан ижодий мулоқотда.

Демак, бунинг ҳам «Буюк Ипак йўли»га алоқадор жиҳатлари бор экан.

— Америкага сафарингиз қандай кечди? Ана шу сафар таассуротлари ҳақида гапириб бермоқчисиз.

— Яқинда АҚШ Давлат департаментининг таклифига биноан йигирма уч кунлик ижодий сафарда бўлиб қайтдим. Сафар чоғида америкаликларнинг санъатга беқиёс даражада қизиқишларининг гувоҳи бўлдим. Айниқса, уларнинг кулолчиликка иштиёқи мени лол қолдирди. Улар бу санъат соҳасига доир гапларни диққат-эътибор билан тинглашади, саволлар ёғдириб ташлашади. Деярли барча учрашувларда ўзбек кулолчилиги намуналари, уларнинг ясалиш жараёнлари қақида қиқоя қилувчи видеофилмлар намойиш этилди. Бу филмлар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Американинг штатларида кулолчилик турли кўринишда бўлса-да, уларда бир-бирига ўхшашлик, ўзаро яқинлик бор. Америкалик кулоллар нафақат ўзларининг, балки бошқа халқлар ижоди намуналарини ҳам жуда катта қизиқиш билан кузатиб боришаркан. Шу ерда яна бир нарсани айтиб ўтай. Америкалик мутаҳассислар ўзбек ва америка кулолчилик санъатида қандайдир ўхшашлик борлигини айтишарди. Мен уларнинг юртига бориб кузатганимдан сўнг, бу гапга ишондим ва мутахассислар билан учрашувда ўз фикримни айтдим. II асрда бизда бўлган «гилам нусха» услуби америкалик ҳунармандларнинг ҳозирги асарларида ўз аксини топмоқда.

Калифорния штатидаги учрашувда жуда ҳаяжонли воқеа юз берди. Бундан икки йил бурун мен Нью-Йоркка Бирлашган Миллатлар Ташкилотига 5 килограмм ватанимиз тупроғидан жўнатган эдим. Бу ерда БМТга аъзо 188 мамлакатдан келтирилган тупроқ аралаштирилиб, рамзий ер шари тайёрланган. Учрашувда менга ҳамроҳлик қилган Барбара Браун хоним «Ўзбекистон тупроғини жўнатган одам шу», деб таништирганда ҳамма бирдан қарсак чалиб, мени табриклашди.

— АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайтхонимнинг йўллаган номаси билан танишар эканман, шундай юртдошларим борлигидан фахрландим...

— Раҳмат. Ҳақиқатан ҳам, мен учун, кутилмаган бу воқеадан бахтиёрман...

— Айтинг-чи, сизнингча, хатнинг ёзилиш сабаблари нимада?

— Адашмасам, унинг ёзилишига Олбрайтхонимнинг мамлакатимизга келганида пойтахтимизнинг «Интерконтинентал» меҳмонхонасида менинг кўргазмамни қизиқиш билан кўргани ва алоҳида эътибори сабаб бўлган. Бу эса меҳнатимиз зое кетмаганидан ўзбек миллий кулолчилик санъати умрбоқий эканлигидан далолатдир.

— Акбар ака, бу ҳунарни отамдан ўрганганман, дедингиз.Энди ўзингиз ҳам тажрибали уста сифатида фарзандларингизга кулолчилик сир-асрорларини ўргатаётгандирсиз?

— Албатта, агар бу ишни давом эттирмасак, ота-боболаримизга муносиб фарзанд бўлолмаймиз. Шу сабаб мен ўғлим Алишерга имкон борича кулолчилик санъатининг ўзим билган барча сирларини ўргатаяпман.

— Ижодингизга омад ёр бўлсин.

Раҳматилла БЕРДИЕВ суҳбатлашди.

Беҳзод таваллудининг 545 йиллигига

ТАСВИР ВА ТИМСОЛЛАР

Камолиддин Беҳзод ва унинг мактаби қолдирган ижодий мерос нафақат тасвирий санъат нуқтаи назаридан, балки XV-XVI асрлар бадиий маданияти, мафкураси, меъморчилиги, амалий безак санъати ва мусиқасини ҳам ўрганишда муҳим манбалардан ҳисобланади.

Беҳзод ва унинг устози Мирак Наққош, издошлари — Қосим Али, Дўст Муҳаммад, Маҳмуд Музаҳҳиб ва умуман Ҳирот мактаби таъсири кучли бўлган Бухоро ва Самарқанд мактаблари миниатюра асарлари асосида шундай фикрга келиш мумкин. Мусаввир асарлари орқали ўша пайтда амалиётда қўлланган чолғулар ҳақида ҳам маълумотга эга бўламиз. Бу чолғуларни ҳозир илмда кенг маълум уч гуруҳга — торли чолғулар, дамли-пуфлама чолғулар ва зарбли-урма чолғулар гуруҳига тасниф этиш мумкин.

Айни пайтда миниатюра тасвирлари орқали бизгача етиб келмаган чолғулар қиёфасини ҳам тасаввур этишимиз мумкин. Ёзма манбаларда номлари келтирилган, лекин бизгача етиб келмаган руҳафзо, барбат, шаммома, арғанун каби чолғуларни(улар 30га яқин), эҳтимол, шу асосда тиклаш мумкиндир.

Шунингдек, Беҳзод миниатюралари асосида чолғулар қандай шароитда қўлланганлигини ҳам билиб олишимиз мумкин. Масалан, садоланиши кучли бўлган карнайлар, ноғора ва довуллар ҳарбий юришларда, жанг майдонларида, тантанали байрамларда ва овчилик пайтида ишлатилган. Садоланиши нисбатан майин бўлган танбур, рубоб, ғижжак, уд, чанг(арфа) каби чолғулар базм-зиёфатларда, турли йиғин-мажлисларда садоланган. Бу ҳолатлар ўша давр мусиқа жанрларини аниқлашда ҳам қўл келади. Хусусан, ҳарбий мусиқа, ов мусиқаси, чўпон куйлари, тўйбазм мусиқаси ва сўфийлар йиғинида самоъ бўлгани ҳақида хулосага келамиз.

Айни пайтда миниатюраларни кузата туриб, ижрочиликнинг якка-хон ва ансамбл шакллари ҳақида тасаввур ҳосил бўлади. Алоҳида уд, най, чанг(арфасимон) ва бошқа турли чолғулар ҳамоҳанглигига асосланган ансамбларни учратамиз. Садоланиши кучли созлар турли тантана, ҳарбий жанг вазиятларида қўлланилса, уд, танбур, ғижжак, най, доира каби чолғулар ансамбли уй шароитида ўтказилаётган мажлис ёки бошқа ҳолатларда учрайди. Бундан мусаввир ансамбл қоидаларини жуда яхши билишининг шоҳиди бўламиз.

Хона шароитида тасвирланган ансамбларнинг аксариятида доира ҳам акс этадики, бу ҳол ижро этилаётган мусиқа усули эканлигини, демак бу кўпроқ касбий(мақом ва б.) мусиқага хос асар эканлигини билдиради. Бу ансамбллар орасида энг кўп учрайдиган чолғулардан бири — уд сози бўлиб, у бир неча кўринишларда(косохонаси ўртача ва каттароқ шаклларда) тасвирланади.

Камолиддин Беҳзод ва унинг Ҳирот, Бухоро, Самарқанд, Бағдод, Шероз ва Табриз миниатюра мактабларига кўрсатган ижодий таъсири ёки ана шу мактабларда унинг йўлини тутган издошларида чолғулар тасвири асарларнинг ғоявий мазмунини аниқлашда ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, Камолиддин Беҳзоднинг етук инсон ва мусаввир бўлиб вояга етишида Алишер Навоий ҳазратлари бениҳоя ғамхўрлик қилдилар. Шу боис бўлса керак Беҳзод ижодида Навоий ҳазратларининг ғоявий дунёқарашларига яқинлик борлигини сезамиз. Зотан, Беҳзод асарларининг энг авж чўққилари айнан тасаввуф ғоялари билан йўғрилганлиги маълум. Бу ўринда тасвирлардаги созанда мусиқачилар билан боғлиқ рамзий-тимсоллар муҳим аҳамият касб этади. Аввало, аксарият мусиқачиларнинг бели боғланган ҳолда тасвирланади. Белбоғ — бу тариқатга кирганлик, тариқат аъзоси эканлигини билдирувчи белги. Мусиқа чолғулари ҳам маълум тимсоллар ўрнида келади. Масалан, най тўғрилик, поклик рамзи сифатида тасвирланади.

Навоий ҳазратлари шундай дейдилар:

Най туз эрур, хушлар аҳли ҳол,
Ки эгри, кўрар гўштол,—

яъни най тўғри бўлгани учун уни сўфийлар хуш кўради. Агарда эгри соз каби бўлганида танбеҳ оларди (яъни қулоғи буралиб созланарди). Шу билан бирга, сўфийлар найни яна бир бошқа муҳим сифати учун ҳам хуш кўрадилар, Жалолиддин Румий ҳазратларининг маснавийларида:

Тингла, най не ҳикоятлар қилур
Ки жудоликдан шикоятлар қилур, —

деган сатрлар бор. Бу ўринда най айрилиқ, кўнгил шикасталиги тимсолидир.

Бухоро мактабига хос миниатюраларда Мажнуннинг Лайли чодири ёнида тасвири келтирилади. Бу ўринда юқори планда бир чўпон най чалаётгани тасвирланади: гўё бундай ҳолат(контраст) учун керакдек туюлади. Бир томондан қўйларни боқиб юрган чўпон най чалаяпти, Қайс эса ишқ ўтида, Мажнун ҳолда. Аслида ана шу най Мажнуннинг ички руҳий ҳолатига ишора этади. Демак, чўпон бежиз юқори планга қўйилмаган.

Энди мусиқачи ва чолғуларнинг тасвирлардаги асосий ўрнига келсак, бунда кўпроқ мажлисда ҳозир бўлган подшоҳ ёки султонга май узатилаётган вақтда ёки султон майни ичишга ҳозирланган вақтда чолғучилар ҳозир бўлганини кўрамиз. Бу ҳолат асосий ғояни ифода этишда муҳим тимсоллардир.

Ботиний маънода тасвирдаги подшоҳ — комил инсон даражасига қадар юксалган, пиру комил қўлидан вақдат майини ичаётган ҳолат бўлиб, бунда мусиқа — ўша асосий қаҳрамоннинг ички-руҳий ҳолати, Яратганга бўлган ишқ, (Оллоҳга бўлган муҳаббат) лаззати, завқу шавқ ҳолатига ишора этади. Зеро, мусиқа инсон руҳига завқу шавқ бағишловчи озиқ ва унинг важд ҳолатига етишишда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. (Миниатюралардан бирида заргарлар маҳалласидан ўтиб бораётган Жалолиддин Румий ҳазратларининг зикр-рақс тушаётганликлари тасвирланган. Бунга сабаб заргарнинг болғачаси урилишидан чиқаётган товушлар экан.) Шу боис расмларда кўпинча етакчи хонанда-созанда либосининг ранги май ичаётган қаҳрамон кийими рангига мос ҳолда бўлади.

Бинобарин, мусаввир асарларида ранглар масаласи ҳам алоҳида эътиборга лойиқ. Ўтмишда мақомлар маълум ранг билан боғлиқ ижро этилган. Масалан, Рост мақоми сариқ рангли либосларда ижро этилган бўлса, Бузрук мақоми учун қизил ранг танланган. Тингловчилар учун ҳам етти хил рангдаги махсус хоналар ажратилган. Демак, шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, тасвирлардаги ранглар асосида ижро этилаётган мақом номини ҳам билиб олиш мумкин. Умуман олганда, Камолиддин Беҳзод ва унинг салафлари ижодида бемаъно, беҳикмат чизги, тасвирнинг ўзи бўлмаган. Улардаги теран маъноларни таҳлил этиш, илмий жиҳатдан ёритиш санъатшунос олимларимиз олдида турган муҳим вазифалардандир.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ

ЭКСПЕДИЦИЯ ЯНА САФАРДА

Истиқлол шарофати билан ташкил этилган Бобур номидаги халқаро илмий экспедиция ўзининг саккиз йиллик фаолияти давомида Темурийлар, Бобурийлар изидан етти бор сафарга чиқди. Йигирмага яқин мамлакатда, хусусан Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва унинг авлодлари ҳаёти, фаолиятларини, тарихий, илмий, бадиий меросларини чуқурроқ ўрганиш мақсадида тадқиқот ва изланишлар олиб борди. Натижада Андижонда Бобур миллий боғида улуғ ҳамюртимизнинг Огра ва Кобулдаги қабрларидан олиб келинган тупроғи асосида рамзий қабр ва мақбара бунёд этилди. Ҳозирда у Бобур юртига узоқ-яқиндан ташриф буюрган азиз меҳмонлар учун табаррук зиёратгоҳга айланди.

«Бобур ва жаҳон маданияти» музейи қад кўтарди. Бу музей хорижий юртлардан топилган, сотиб олинган нодир китоблар, қўлёзмалар, бошқа ноёб ашёлар билан жиҳозланди, бойиб бормоқда.

Яқинда экспедиция яна сафарга отланди. Бу галги йўналиш аввалгиларидан бошқачароқ, манзил ҳам олис.

Маълумки, Ҳиндистон 1857 йили инглиз мустамлакачилари томонидан забт этилиб, охирги Бобурий подшо Баҳодиршоҳ-II Рангунга(Бирма) сургун қилинган. У мусофирчиликда, қарийб етти йил таъқибда умр кечириб, 1862 йили вафот этган. Экспедиция ўз дастурига Хитой, Покистон, Ҳиндистон, Непал, Бангладеш орқали Бирмага бориб, Баҳодиршоҳ қабр-мақбарасининг ҳолатини ўрганиш режасини ҳам киритган. Сўнг яна Ҳиндистон, Покистон, Афғонистон, Эрон, Туркманистон орқали Ватанга қайтадилар.

Бу галги илмий сафарнинг мақсад ва вазифалари ҳақида экспедиция раҳбари Зокиржон МАШРАПОВ шундай дейди:

— Энг асосий мақсадимиз, ҳар галгидай, мустақиллик элчилари сифатида хорижий юртларда Ўзбекистоннинг бугунги обод қиёфасини, бошқа ютуқларини тарғибу-ташвиқ қилиш. Иккинчидан, турли сабаблар билан четда қолиб кетган ёки ташиб кетилган илмий, бадиий, маданий бойликларимизни мумкин қадар қайтариб келиш, буюк бобокалонларимизнинг қаровсиз қолган қабр-мақбаралари ҳолидан хабар олиб, ўзимизнинг юртдошлик, ворислик, инсоний бурчларимизни адо этиш. Мени анчадан бери ўйлантириб келаётган нарса «Бобурнома»нинг йўқолган қисмлари, ниҳоятда бой бўлган Ҳумоюн кутубхонасининг тақдири: Шоҳ бобурийлар сулоласининг охирги вакили Баҳодиршоҳ ўша ноёб бойликларни ва бошқа қимматли китоблар, қўлёзмаларни ўзи билан Рангунга олиб кетмаганмикин, деган умид ва илинж бор. Чунки у маданий бойликларнинг қадрига етадиган зиёли инсон, Зафар тахаллуси билан ном қозонган шоир бўлган. Зора, қидирган нарсаларимизни ўша жойлардан топсак. Шунингдек, Ҳасан Абдулла Бобур Мирзонинг манбаларда қайд этилмаган қизи Лоларуҳ бегимнинг қабрини зиёрат қилмоқчимиз. Маълумки, Бобур ва бобурийлар оёқлари етиб борган жойда юзлаб боғлар бунёд этилган. Шуларнинг айримлари Лохурда, Ограда, Кашмирда ҳозиргача яшнаб турибди. Ана шу боғлар нафасидан нафас олиб, улуғ аждодларимиз руҳини шод этиш орзусидамиз.

Ўз мухбиримиз

МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАРГА ЭЪТИБОР

Миллий либосларимизга эътибор қандай?Уларни асраб-авайлаш, йўқолиб кетаётган либосларни қайта тиклаш иши нечоғли амалга оширилаётир?

Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий услубият маркази ва Давлат санъати музейи уюштирган давра суҳбатида ана шу масалалар ҳақида гап борди.

Санъатшунослик фанлари доктори К. Абдуллаев, Ўзбекистон халқ артисти Қ. Миркаримова, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Ш. Ахмедов, Давлат санъат музейи директори Н. Иброҳимова, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика илмий-услубият маркази раҳбари муовини Ў. Тоҳиров ва бошқалар миллий либосларни асраб-авайлаш, келгуси авлодга етказиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини таъкидлашди. Бунинг учун миллий либослар музейини ташкил этиш, сақланиб қолган либосларни видеотасмаларга тушириш, шунингдек, модалар уйларида миллий либослар тикадиган чеварларни ўқитиш зарурлиги қайд этилди.

Дилфуза ХОНБОБОЕВА

Обуна - 2000

ЭРКИН МУЛОҚОТ

Ҳар бир газетанинг ўз мухлиси бор. Лекин «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» — кимки адабиётни севса, унга қадрлидир. Чунки ҳафталигимиз маданий ҳаётимизни кенг ёритадиган мамлакатимиздаги ягона газета. Шу боисдан ҳам «ЎзАС» барча адабиёт ва санъат мухлислари томонидан қизиқиб ўқилади. Студент халқи эса, ҳафталикнинг ғоят талабчан ўқувчисидир. Ўтган жума куни Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг халқаро журналистика факултетида газета таҳририятининг бир гуруҳ ижодий ходимлари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам ана шу руҳ сезилиб турди.

— «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» — бизнинг севимли газетамиз. Уни ўқимайдиган, мутолаа қилмайдиган одамни маърифатли инсон, дейиш қийин, — деди, учрашувни очар экан, факултет декани доцент Сайди Умиров.

Сўнг ҳафталик бош муҳаррири вазифасини бажарувчи, Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган журналист Мурод Абдуллаев ҳамроҳларини таништиргач, «ЎзАС» фаолияти, режалари ҳақида сўзлади.

Газетада кўп йиллар бош муҳаррир бўлиб ишлаган таниқли журналист, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Аҳмаджон Мелибоев ёш ҳамкасбларига журналистлик касбининг қувончташвишлари, қаламкашнинг бурч ва масъулияти борасида гапирар экан, жумладан, шундай деди:

— Мен муҳаррир сифатида шу ерда шаклландим. Биз халқимизнинг маърифатини юксалтиришга, қадр-қимматини кўтаришга, кўзини очишга хизмат қиладиган мақолаларни кўпроқ беришга интилардик. Ўша йилларнинг ижод намуналаридан бир неча жилдлик китоб ҳам нашрга тайёрлагандик. Шундан бир улушигина «Фитна санъати»(1993) номи билан икки жилдда босилиб чиқди. Мажмуадан Карим Баҳриевнинг «Ой бориб, омон қайтмаган болам», Хуршид Давроннинг «Босқинчи қаҳрамон бўладими?», Мирзо Кенжабекнинг «Фитна санъати», Нафиса Содиқованинг «Хазинанинг ҳақиқий эгаси ким?», «Талон-тарож қилинган мулк», Шарифа Салимованинг «Аёл жиноятга қўл урди», Шавкат Раҳмоннинг «Маҳфия», Ҳайрулла Исматулланинг «Вамбери олимми, жосус?» каби публицистикамизнинг энг яхши намуналари ўрин олган...

Доцент Бойбўта Дўстқораев газетанинг шу йилги сонларини теран таҳлил қилди. У, айниқса, «Навоий гулшани», «Тадқиқот, ахборот», «Мангу лаҳза», «Биз киммиз?», «Баҳс» каби рукнлар остида эълон қилинаётган тадқиқотлар, мақолаларни юксак баҳолади, улар ўқувчининг билимини бойитади, фикрини ўстиради, деди. Шу билан бирга, олим газетада чоп этилаётган мақолалар ва шеърларга нисбатан талабчанликни сусайтирмаслик зарурлигини таъкидлади.

Ўқитувчи Каромат Муллаҳўжаева «ЎзАС»да ҳаёт масалаларига эътибор қаратилаётганлиги, ўзбек мумтоз адабиёти масалаларига доир мақолалар баланд савияда эканлиги, бироқ чет эл адабиёти тарғиботига ҳам имкон қадар эътиборни кучайтириш зарурлиги тўғрисида мулоҳазаларини билдирди. Студентлардан Динора Дўлтаева, Шерзод Аҳматов, Ботир Ғофуров, Зилола Расулова, Санобар Меҳмонова «ЎзАС» саҳифаларида босилаётган ўқишли мақолалар, баҳс-мунозаралар ҳақида холис фикрларини айтдилар, газетанинг ададнни ошириш, ёшларнинг ҳикояларини кўпроқ ёритиш, муаллифлар доирасини кенгайтириш тўғрисида ўз истакларини баён этдилар.

Эркин мулоқот, фикр алмашув руҳида ўтган бу учрашувда «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси танқид ва адабиётшунослик бўлимининг мудири Ўзбекистон республикасида хизмат кўрсатган журналист Маҳмуд Саъдий, «Ўзбекистон овози» газетасининг ходими Акбар Жонузоқов ҳам сўзладилар. Улар бўлажак журналистларни дадилликка, фаолликка, мустақил фикрлашга чақирдилар.

Қизғин ўтган ижодий учрашувда шоирлар — Сирожиддин Саййид, Қўчқор Норқобил, Турсун Али, Рустам Мусурмон, Каромат Муллаҳўжаева, шеърларини ўқидилар.

М.ХОЛИҚУЛ ўғли

«ЎзАС» иловасини ўқиб...

«ОБИДА» ТИЛГА КИРДИ

Ўзбекистон заминида буюк аждодларимиздан бизгача сақланиб келаётган меъморий обидалар оз эмас. Улар бой тарихимиз, аждодларимиз заковати, бунёдкорлигидан гувоҳлик беради. «Ичонқалъа» меъморий ёдгорлик мажмуи, Регистон, Ситорайи Моҳи Хоса, Шоҳи Зинда меъморий ансамблари, Девонбеги ва Мири Араб мадрасалари... Кўқону Тошканд, Шаҳрисабзу Термиздаги беназир ёдгорликлар... Бу ёдгорликларнинг ҳар бири ўз тарихи ва тақдирига эга. Уларни ўрганиш, аҳамиятини англаш бугунги кунда долзарб масалага айланган. Чунки мустақил давлат пойдевори мустаҳкамланаётган бир даврда тарихимизни чуқур англаш, аждодларимиз қолдирган бетакрор маънавий меросни эъзозлаш бениҳоя қайрлидир. Хорижликлар ҳам қадимий шаҳарларимиз, интеллектуал бойлигимиз дурдоналарини катта қизиқиш билан томоша қилаётганлари бежиз эмас.

Шу жиҳатдан «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси «Обида» деб номланган илова чоп эта бошлагани айни муддао бўлди. Унинг саҳифаларида эълон қилинган мақолаларни мутолаа қилиб, «Туркестанский ведомости» газетасининг 1911 йил 23 октябр сонида чиққан бир мақола ёдимга тушди. У «Самарқанднинг қадимий ёдгорликлари» деб номланган. Муаллифи — С.Иванович. Мақола «Осмонни юлдузлар безаса, заминни Самарқанд безамоқда» деган эпиграф билан бошланган. Унда Соҳибқирон Амир Темур даврида барпо этилган, лекин XIX асрнинг охири XX асрнинг бошига келиб бир мунча қаровсиз қолган меъморий ёдгорликлар хусусида изтироб билан ҳикоя қилинган. Муаллиф ёдгорликларга бўлган ҳурматсизликни кўриб, кўп афсусланади ва «Шоҳи зинда масжидида бўш жой қолмаган, сайёҳлар ўзларини «абадийлаштириш» учун «бу ерда фалончилар бўлган» деб номларини ёзиб кетганлар», деб таъкидлайди.

Ҳа, бир вақтлар қадимий ёдгорликларимиз, халқимизнинг тили, адабиёти, умуман маънавий бойлиги, гурури поймол бўлган йилларни ҳам кўрган эдик. Истиқлол туфайли тарихимиз, маданий меросимизга муносабат ўзгарди. Миллий мафкурамиз аждодларимиз маънавий ва моддий мероси негизида шаклланмоқда. Сўнгги йилларда кўплаб обидалар давлат томонидан таъмирланди. Бузилган меъморий ёдгорликлар ўз асл қиёфасига қайтди. Аммо ёдгорликларни тиклаш, муҳофаза қилиш борасида, айниқса, халқ орасида уларнинг аҳамиятини, тарихини тушунтиришда муаммолар ҳали мавжуд. Ишончимиз комилки, «Обида» мана шу муаммоларни ҳал этиш, тарихий-меъморий ёдгорликларни асраб-авайлаш ва тарғиб этишга ўз ҳиссасини қўшади.

Шоҳаҳҳор САЛИМОВ

Инсон, ахлоқ, қонун

МУЗҚАЙМОҚҚА «АЙЛАНГАН» ТИЛЛА ЗИРАК

• Музлатгич устасидан эҳтиёт бўлинг • Йўқолган фирма • Арзон ун тузоқ эди

Надоматлар бўлсинки, сўнгги пайтларда жиноий ишлар орасида фирибгарлик билан қўлга тушиб, жазоланаётган жиноятчилар сони бирмунча ошиб боряпти. Биз кўпинча фирибгарлар домига, одатда лақма ва анқов одамлар тушади, деб ўйлаймиз. Аммо кейинги пайтларда қаллоблар тўрига кўпни кўрган зиёлилар, тадбиркору ишбилармонлар, ҳаттоки, қонун посбонлари ҳам илинишмоқда. Чунки фирибгарлар ҳам бозор иқтисоди шароитига мослашиб, ҳийла ва тактикаларини такомиллаштириб боришяпти.

«Ҳамма нарсага шубҳа билан қараш керак», деган иборани эшитган бўлсангиз керак. Айниқса, пул олди-бердисида бу шубҳани анча оширишга тўғри келади. Олди-берди қилмоқчи бўлган кишингиз, ҳатто таниш бўлганда ҳам ҳужжатларини кўриш, зарур жойларга сим қоқиб, унинг атвори ва рафторини сўраб олиш фойдадан ҳоли эмас.

Эндигина саккиз ёшга тўлган Шаҳнозага ота-она йигирма минг сўмлик сирға олиб беришади. Икки фирибгар аёл Шаҳноза Исрофилова ва Дилором Ҳуррамова мактабдан қайтаётган қизчага атиги 25 сўмлик музқаймоқ олиб бериб, эвазига сирғани олиб кетишади. Қаллоблар қўлга тушди, аммо ота-она мактаб ўқувчисига нега тилла тақинчоқ олиб берди, деган савол туғилади шу ерда. Ахир, бунлардан ҳам баттари бўлиши мумкин-ку! Илтимос, болангизни ҳар куни мактабга юбораётганда тайинланг: у тасодифий «хола», «амма»лардан эҳтиёт бўлсин. Болаларни ўғирлаб кетиш, гаровга олиш ҳоллари худди ана шундан бошланади.

Сергей Серебряков деган қаллоб Самарқанд, Пастдарғом туманларидаги қишлоқларга чиқиб, ўзини холодилник устаси деб таништиради. Ҳеч ким унинг ҳужжати, манзилгоҳи билан қизиқмайди. Маълумки, музлатгичнинг предохранител деган матоҳи тез куяди. У бундай холодилникларнинг моторини ечиб олиб, тузатиб келиш учун тағин анчагина пул олади. У қайси уйга кирса, бузуқ холодилник ва бошқа ашёлар учун катта-катта пул ундиради ва кейин бу ерга умуман қайтиб келмайди. Шунчалик ҳам ғўл бўлиш мумкинми, ахир. «Устаман девди — ишондик», дейди бир аёл биз билан суҳбатда. Сергей қўлга олинди, аммо муҳтарам газетхон/ сизга айтадиган гапим бор. Уйингизга ногаҳонда ташриф буюрган холодилник, телевизор усталари, монтёрларнинг муддаоси қабиҳ бўлиши мумкинлигини ёддан чиқарманг. Кўп ҳолларда катта ўғирликлар айнан ана шундай одамлар келиб кетгандан кейин содир бўлаётганлигини ҳеч қайсимиз унутмаслигимиз керак.

Ҳозир жиноий ишларда «ўюшган фирибгарлар» деган жумла бот-бот тилга олинмоқда. Ҳа, жиноятчилар бир-бирлари билан келишган ҳолда катта «операциялар»ни амалга оширадиган бўлишган.

Ўтган йил Россияга мева олиб борган тадбиркорларимизнинг бири шунга ўхшаш ҳолга тушганди. Мевани бир фирма кўтара харид қилмоқчи бўлади. Фирмага киришса, рисоладагидай қабулхона, котиба, директор... Шартнома тузилади: ҳужжат, муҳр, имзо... дегандай. Мева ўша ердаги омборга тўкилади. Фақат кассир кетиб қолганлиги учун эрталаб ҳисоб-китоб қилишга келишилади. Тадбиркор эрталаб борса, на ҳалиги тахта уй, на котиба, на директор бор. Бўш ерда мол боқиб юрган болалар улар юкни ортиб, қаёққадир кетишганини айтишади.

Самарқанд туман Рустам қишлоғилик Олим Юнусов хотини Дилафрўз Болтақулова ва ҳамтовоғи Аъзам Худойбердиев билан тил бириктириб кўп одамларни доғда қолдиришади. Улар «Самарқанд» жамоа хўжалигида яшовчи танишлари Сухроб Мақсудовникига меҳмон бўлиб келишади. Гап пул топиш масаласига бориб тақалганда, Олим уй эгасидан 2 миллион 800 минг сўм пул сўрайди ва ҳар ойда 260 минг сўм фойдаси билан қайтаришга сўз беради. Дарҳақиқат, биринчи ой 260 минг сўм фойда тўланади. Товламачилар қолган пулнинг бир қисмига тўрт тонна ун олиб, уни анчагина арзон нархда сотишади. Бу аслида тузоқ эди. Арзон ун олиш, уни қимматроқ сотиб, чўнтак қаппайтиришга иштиёқманд чаққонлар бирин-кетин бу қаллобларнинг тўрига тушаверадилар. Жумладан, Зулфия Насриева деган ишбилармон 1.800.000 сўм, Илҳом Юнусов 5900 АҚШ доллари, Нодир Юнусов 3000 АҚШ доллари тутқазишади. Бу — рўйхатнинг бир қисми холос.

Фирибгарлар жуда катта пулни жамғариб, чет элга қочиш тараддудини кўраётганда қўлга олиндилар.

Лекин тан олиш керакки, фирибгарларнинг ҳаммаси ҳам қўлга олинаётгани йўқ. Уларнинг айримлари қилгиликни қилиб қўйиб, турли мамлакатларда яшириниб ҳам юрибди.

Айрим қаллоблар хорижга бориб ҳатто пухта ишбилармонларни ҳам чув туширишдан ҳайиқмаяптилар...

Ўзингга эҳтиёт бўл — қўшнингни ўғри тутма, дейишади. Бепул қуйруқ фақат қопқонда бўлишини ҳисобга олиш керак. Мен газетхонларимизга оммавий ахборот воситаларидаги турли туман эълонларга, ёки одамлар гавжум бўлган жойлардаги қиморвозлар, лотореячиларга шубҳа билан қарашни маслаҳат бераман. Шунда уларнинг найрангларига чув тушиб қолмайсиз.

Абдумўмин ИСМОИЛОВ,
Самарқанд туман прокурорининг ўринбосари

Муҳаммад ЮСУФ, Ўзбекистон халқ шоири

ЮРАГИМНИНГ ТЎРИДАГИ СЎЛМАС ГУЛИМ!

Севимли шоиримиз Муҳаммад Юсуф яқинда 171-Чиноз сайлов округидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинди. Шу йил 22 октябр куни мазкур округда бўлиб ўтадиган Олий Мажлис депутатлари сайловида таниқли шоиримизга омад тилаган ҳолда, унинг янги шеърларидан бир туркумини муштарийларимиз эътиборига ҳавола қилмоқдамиз.

ИҚРОР

О, ота маконим,
Онажон ўлкам,
Ўзбекистон, жоним тўшай соянгга.
Сендай меҳрибон йўқ,
Сенингдек кўркам,
Римни алишмасман бедапоянгга...

Бир гўша сув бўлса, бир гўша қирлар,
Қанча юртни кўрдим, қанча тақдирлар.
Қайга борсам суяб, бошни тик тут деб,
Тоғларинг изимдан эргашиб юрар.

Кўрдим сулувларнинг энг фаранглари,
Ё худбинман, ё бир содда қасман мен:
Парижнинг энг гўзал ресторанларин
Битта тандирингга алишмасман мен.

На гапга кўнайин,
На тил билайин,
Кўздан уйқу қочди, дилдан халоват.
Уч кунда соғинсам нима қилайин?..
Чала қолар бўлди ҳамма саёҳат.

Билдимки, баридан улуғи ўзинг,
Билдимки, яқини шу тупроқ менга.
Баҳорда Бахмалда туғилган қўзинг
Араб оҳусидан азизроқ менга!..
Сен билан ўтган ҳар кун байрам — базм,
Сенсиз бир он қолсам ваҳмим келади.

Сени билганларга қиламан таъзим,
Сени билмасларга раҳмим келади.

ОНА ТИЛИМ

Гарчи зуғум қилганларни ёқтирмадим,
Шеър ёздиму бўлак ишни қотирмадим.
Тилим туриб ўз тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади бағри-дилим,
Она тилим, кечир мени она тилим.
Онам «эркам» деб кучганда тунлар ярим,
Эрким йўқ деб зирқирарди бир жойларим,
Паравозни ҳансиратган буғдойларим,
Олтинларим, маъданларим, ипакларим,
Она тилим, кечир мени она тилим.

Кимлар учун биз эдик бир бадавийлар,
Ўзбекни қон қақшатганни ўзбек сийлар,
Ҳолимизни қон кузатди Яссавийлар,
Топганимиз ҳандалакдек тилим-тилим,
Она тилим, кечир мени она тилим.

Кимдир майда миллат бўлди, кимдир катта,
Катта миллат — Афандиси йўқдир ҳатто,
Биз пиёда, биз боққанлар юрди отда,
Зулм ўтса фақат сендан ўтди зулм,
Она тилим, кечир мени она тилим.

Сен бўлмасанг нима бизга силлиқ шеърлар,
Бу дунёда тили йўқда дил йўқ дерлар,
Баҳоинг-ку бериб кетган Алишерлар,
Юрагимнинг тўридаги сўлмас гулим,
Она тилим, кечир мени она тилим.

Бир қарасам ҳар шевангда минг жилолар,
Ҳар новдангда ҳар мевангда минг жилолар,
Қодирийлар, Чўлпонлару, Абдуллолар...
Сенинг қайтган кунинг туғилган йилим,
Она тилим, эй муқаддас Она тилим!..

НОНКУЛЧА

Ай, узун кўйлакли, жамалаксоч қиз,
Кўнглим тушган эди кўнгилчангизга.
Ёддами беғубор болалигимиз,
Қўлим теккан эди камзулчангизга...

Биз қолдик, Болалик кетди югуриб,
Иккаламизни ҳам икки ён суриб,
Зор бўлсам — зор бўлдим шунча йўл юриб,
Сиз сувга ботирган нонкулчангизга.

Эшитдим, совчилар нон синдирибди,
Янгалар югуриб жон куйдирибди,
Суймаганингизни ҳам суйдирибди,
Арз қипсиз айвонда мусичангизга.

Биламан, Сиз узоқ умр кўрарсиз,
Балки сўрамассиз, балки сўрарсиз.
Худо берса бир кўн ўғил кўрарсиз,
Мени ёмонламанг ўғилчангизга!..

ЧЎЛОҚ ТУРНА

Низом акага

Бир оёкда чопиб келдинг
Чўлоқ турна,
Уйим қайдан топиб келдинг,
Чўлоқ турна?

Ўзи қон бу дилни энди
Сен ҳам тирна,
Қай ёвузга нишон бўлдинг,
Чўлоқ турна?..

Келдингми кир, остонада
Чўчиб турма.
Бор экан-да пешонада,
Чўлоқ турна.

Бегонамас бу кўргилик,
Бошга тушган,
Менинг ҳам қоқ юрагимга
Тош отишган.

Биз тилмочсиз бир-биримиз
Тушунгаймиз,
Шароб ичмай, ака-ука
Тутингаймиз!

Наим КАРИМОВ

ЙЎЛЧИНИНГ ПРОТОТИПИ БЎЛГАНМИ?

Бадиий асар қаҳрамони қанчалик ҳаётий бўёқлар билан тасвирланган бўлса, китобхон унга муайян киши ҳаёти асос бўлганига шунчалик ишонади. «Ўткан кунлар» майдонга келганидан бошлаб китобхонлар Отабекнинг прототипи ким эканлиги ҳақида баҳс юритиб келадилар. Худди шундай баҳслар «Қутлуғ қон» романининг бош қаҳрамони Йўлчи образи хусусида ҳам бўлган.

Ойбек «Қутлуғ қон» романининг ёзилиш тарихи тўғрисида сўз очганда ҳам, китобхонларнинг роман ва у асосида яратилган филм тўғрисидаги саволларига жавоб берганида ҳам Йўлчи образининг прототипи борасида бирор сўз айтмаган. Аксинча, у на Йўлчининг, на Гулнорнинг бирор прототип ҳаёти мисолида яратилганини очиқ-ойдин айтган. «Қисқача таржимаи ҳоли»да эса, романнинг яратилиши тарихи масаласида фақат шу сўзларни ёзган:

«Гарчи мен роман воқеалари юз берган даврда ҳали кичик бола бўлсам ҳам, халқ турмушини кўрдим, камбағалларнинг қоронғи ва дим уй-жойларини, бойларнинг атрофи баланд-баланд деворлар билан ўралган ҳашаматли иморатларини, муздек ҳовузи бўлган боғларини кўрдим. Мен кейинчалик романимда тасвир этилган турмуш ва ижтимоий муносабатларнинг кўпгина томонларини ўша вақтдаёқ чанқоқлик билан кузатган ва тушунган эдим. Мен ўз қаҳрамонларим қиёфасида бўлажак курашчиларни ...пайқаб олган эдим. «Қутлуғ қон» романимни ёзиш учун материал йиғиб ўтирмадим, роман учун материал кўнгилдан, хотирамдан қўйилиб келаверди; шу тарзда қисқа фурсатда — 1938 йил ёзида уни ёзиб тамомладим».

Бу сўзларда на Йўлчининг, на Гулнорнинг прототипи бўлганига бирорта шама бор. Лекин шу ҳам бизга маълумки, Ойбек ўзи гувоҳ бўлган ё эшитган воқеалардан, тарихий шахслар ҳаётидан озми-кўпми фойдаланган. Масалан, романдаги иккинчи даражали қаҳрамонлардан бири Унсиннинг исми биологик ўлимни бошидан кечирган бир аёлнинг номидан олинган.

Тадқиқот, ахборот

Энди Йўлчи образига келсак, унинг фақат исмини эмас, балки қаҳрамон ҳаётининг муайян бир саҳифасини эслатувчи тарихий шахслар ҳам йўқ эмас.

Роман 1916 йил кўзғолони воқеалари билан якунланади. Асарнинг биринчи саҳифасидан, яъни Йўлчининг тоғаси Мирзакаримбой хонадонига кириб келишидан унинг шу хонадонни тарк этишига қадар бўлган воқеалар кўзғолоннинг рўй беришини мантиқан асословчи воқеалардир. Бинобарин, асардаги 1916 йилги Тошкент кўзғолони тасвирида Ойбек қаҳрамони ўз тадрижий ўсишининг авж нуқтасига кўтарилади. Модомики, роман ёзилган 1938 йили 1916 йил кўзғолонининг фақат гувоҳларигина эмас, балки иштирокчилари ҳам барҳаёт экан, демак, Ойбекнинг тарихий ҳақиқатга мумкин қадар содиқ қолиши табиий эди.

Ўзбекистон тарихига бағишланган нашрнинг иккинчи жилдида(Тошкент, 1968) Тошкентда бўлиб ўтган кўзғолон воқеалари бундай тасвир этилган:

«11 июль куни эрта тонгда Эски шаҳар аҳолиси кўчага чиқди. Ҳунармандлар, ишчилар, шаҳарлик фақир-фуқаро-ю теварак-атрофдан келган деҳқонлар Бешоғоч(Олмазор демоқчи — Н.К.)***даги полиция бошқармаси томон йўл олдилар. Бу ерда катта оломон тўпланди. Намойишчилар: «Болаларимизни бергандан кўра ўлганимиз яхши!», деб бақириб-қичқиришди. Полицмейстер ўринбосари пристав Мочалов билан унинг ёрдамчилари халқни тинчлантирмоқчи бўлишди, аммо натижа чиқмади... Ҳаммаёқда ўз-ўзидан митинглар пайдо бўлиб, ма-ҳаллий аҳоли орасидан чиққан нотиқлар халқни чор ҳокимиятига қарши дадил ҳаракатларга даъват этдилар. Булар Йўлчи Иброҳимов (кўнчи), Ғулом Камолов(ғишт теруvчи), Низомиддинхўжа Зайниддинхўжаев(сувоқчи), Абдурахмон Абдуқаюмов(косиб)... ва бошқалардир».***

Ушбу сатрлар муаллифи биринчи бўлиб Йўлчи Иброҳимовни бежиз санамаган. Унинг 1916 йил воқеаларидаги иштироки, бошқаларга қараганда, фаолроқ бўлган. Шунинг учун ҳам у кейинчалик инқилобчи сифатида довруғ қозонган.

Дарвоқе, 1916 йил Тошкент воқеаларида бошқа Йўлчи ҳам қатнашган.

Таниқли тарихчи Ҳамид Зиёевнинг «Туркистонда Россия тажовузи ва ҳукмронлигига қарши кураш» деган китобида бундай воқеа баён қилинган:

«Қўзғолончилардан бири қўлида қиличи билан Н. Е. Колесниковга ташланаётганда у бу кишини тўппончадан отиб ўлдиради. Шундан кейин халойиқнинг қони қайнаб, «ур» деган овозлар янгради. Оломон орасида Маҳмуд Мирсоатов исмли гимназия ўқувчиси «Миршабларни урингглар», деб одамларни ҳужумга чақирган... Қўзғолончилардан Мирқосим Исамуҳамедов шериги билан телефон симини узган. Оломоннинг бошқарма идорасига бостириб кириш хавфи туғилганидан кейин, Н. Е. Колесниковнинг бойруғига кўра, уларга ўқ отилди. Натижада 11 киши ўлдирилди ва 15 киши жароҳатланди».

Ушбу парчада тилга олинган қиличли қўзғолончининг номи Йўлчи Шокировдир. У ғишт заводининг ишчиси бўлиб, Колесников отган ўқдан ўлган. Ойбек роман қаҳрамонининг 1916 йил қўзғолонидаги хатти-ҳаракатини тасвирлаш жараёнида шу Йўлчи Шокиров ҳаётининг сўнгги фожиали саҳифасига асосланган.

Шубҳасиз, Тошкент қўзғолонининг бошқа иштирокчиси Йўлчи Иброҳимов 1917 йил инқилобидан кейин «қизил партизан», «инқилобчи» сифатида машҳур бўлиб кетгач, Ойбекнинг уни четлаб ўтиши, унинг ҳаёти фактлари билан қизиқмаслиги маҳол эди. Агар Йўлчи Иброҳимов машаққатли ҳаётининг айрим нуқталари билан яқиндан танишсак, у билан роман қаҳрамони ўртасида ҳам муайян муштарак ўринларнинг борлиги маълум бўлади.

Аввало, Йўлчи Иброҳимов ҳаётининг баъзи-бир саҳифаларига назар ташласак.

У 1884 йили Тошкент шаҳрининг Кўкча даҳасида туғилган. 13 ёшидан бошлаб кўнчилик билан шуғулланувчи турли бойларнинг қўлида ишлаган. Меҳнат билан суяги қотган Йўлчи ҳатто Самарқандга бориб, кўнчилик заводида хизмат қилган. 1915 йил охирида Тошкентга қайтиб, Усмонхўжа Нуъмонхўжаевнинг заводига ишга кирган.

1916 йилнинг июл ойларида, қўзғолонга уч кун қолганда, Усмонхўжа исмли бир муаллим Йўлчини уйига таклиф этади. Йўлчи Усмонхўжанинг уйига борганида, у чор ҳукуматининг мусулмонларни фронт яқинига юбориш ҳақида фармон чиқаргани, шунинг учун ҳам мусулмонларни мардикорликка юбормаслик учун қўзғолонга даъват этиш лозимлигини айтади. Ана шу воқеадан кейин уч кун ўтгач, Йўлчи тери маҳсулотлари ишлаб чиқариладиган Зах томонларга бориб, ишчиларга Николайнинг фармони хусусида хабар беради, мардикорликка одам бермаслик учун миршаблар олдида қатъий туриш кераклиги тўғрисида тарғибот ишларини олиб боради. Шундан кейин у Пўлатов деган ишчи билан биргаликда Олмазордаги миршаблар бошқармасига келади. Миршабхона олдида кўплаб диндорларнинг тўпланиб турганини кўрган Йўлчи яна Тахтапулга қайтиб бориб, ишчиларни қўзғолон кўтаришга даъват этади. Бу сафар унинг ортидан ҳеч ким эргашмайди ва ёлғиз ўзи миршабхонага қайтиб келади. Йўлчи миршабхона бошқармасига етиб келганида пристав Мочалов диндорлар ва бошқа кишиларга «оқ подшо»нинг фармонини ўқиб бераётган эди. У шу ўртадаги олма дарахтига суянган ҳолда фармонни тинглайди. Аммо шу пайт бир чол приставнинг олдига бориб, бир йўғи бир ўғли борлигини айтади-да, уни мардикорликка олмасликларини сўраб йиғлайди. Пристав уни сўка-сўка хосхонаси сари кетади, чол эса, унинг кетидан эргашади. Йўлчи хосхона деразаси томон яқинлашиб, ўша чолнинг Эски шаҳарда тайёрланаётган қўзғолон ҳақида приставга маълумот бераётганини кўради. Пристав шу заҳотиёқ телефон қулоғини кўтариб, кимгадир қўнғироқ қилади. Бояги чолнинг айтгоқчи эканини сезган Йўлчи бир болани бўйи баравар кўтариб, телефон симини уздиради. Шу дақиқанинг ўзида қўзғолончилар етиб келиб, миршабхона бошқармасини қунпая-кун қила бошлайдилар. Йўлчи Иброҳимов ана шу тарзда 1916 йил қўзғолонининг қаҳрамонларидан бирига айланади.

Йўлчи Иброҳимов биринчи марта 1911 йили Кўкча дарбозада приставга нисбатан ҳурматсизлик кўрсатгани учун қисқа муддатга қамоққа олинган. Унинг 1916 йил воқеаларидаги иштироки эса 20 йиллик каторга билан «баҳоланган». Генерал Куропаткиннинг Туркистонга ҳарбий ҳоким этиб тайинланиши муносабати билан Йўлчи кўп ўтмай озод этилган. Унинг шўролар давридаги ҳаёти ҳам қамоқ ва сургунлардан четда кечмади. У турли баҳонаи сабаблар билан 1922, 1923, 1924 ва 1926 йиллари ҳибсга олинган. 1937 йил 30 октябрда эса: ***«Яккахўжаликлар жамоа хўжаликларига қараганда кўпроқ фойда келтирмоқда. Нўноқ раҳбарлар туфайли оғир аҳволга тушган жамоа хўжаликларини тарқатиб юбориш керак»,*** дегани учун қамоққа олиниб, Архангелск вилоятига сургун қилинади.

Ойбек «Қутлуғ қон» романини ёзишга киришган вақтда у «халқ душмани» сифатида жазо муддатини ўтаётган эди. Эҳтимол шунинг учундир, адиб Йўлчи образини яратишда прототипнинг 1916 йил билан боғлиқ бўлмаган ҳаёти фактларидан фойдаланишни лозим кўрмаган.

Йўлчи Иброҳимов омадли киши эди. Бу сафар ҳам адолат офтоби унга кулиб боқди. Аризалари беиз кетмай, 1940 йил 13 январда уни узоқ муддатга қамаш тўғрисидаги ҳукм бекор қилинди. Аммо қушандалар тинч туришмади. Ўз тасдиқини топмаган даъво ва туҳматлар яна ишга тушди. Оқибатда 1940 йил 17 октябрда у 6 йилга кесилди. Бу сафар нажот фариштаси унинг ҳаётини сақлаб қололмади. Йўлчи Иброҳимов 1943 йил 19 январ куни Қарағандадаги концентрацион лагерда вафот этди.

«Қутлуғ қон» романидаги бош қаҳрамоннинг исми ана шу икки Йўлчидан олинган. Уларнинг 1916 йил қўзғолонидаги иштироки романда бор ҳақиқати билан акс эттирилган. Агар синчков кўз билан қаралса, Йўлчининг машаққатли ҳаёти тасвирида бу ҳар иккала прототипга хос бошқа белгиларни ҳам кўриш қийин эмас.

Шу нарса ажойибки, Ойбек илк романидаги Йўлчи образи билан мустамлакачилик даври қурбонлари бўлмиш зикр этилган икки кишининг номини замондошлари орасида биринчи бўлиб абадийлаштирди.

ДОСТОНМИ ЁКИ «БАШОРАТ»?

Ҳозирги насримиз атрофида бир неча ойдан бери «ЎзАС» саҳифаларида давом этаётган мунозарада реализм билан модернизм муаммоси бошқа масалаларга нисбатан қизғинроқ баҳс уйғотди. Агар Баҳром Рўзимуҳаммад модернизмнинг аҳамиятини юқорироқ баҳолашга уринган бўлса, Сувон Мели XX асрнинг 80-йилларида бу йўналиш Ғарб адабиётида сусайиб қолганлигини тўғри эслатди. Ёзувчи Шукур Холмирзаев эса, реализмнинг имкониятларини, қудратини устун қўйишга интилди. Агар жаҳон адабиёти тажрибасидан келиб чиқиладиган бўлса, модернизмнинг баъзи самараларини инкор этмаган ҳолда, Ш.Холмирзаев қарашларида ҳақиқат мужассамлашганлигини эътироф этишга тўғри келади. Чиндан ҳам жаҳон сўз санъатининг кўпасрли тажрибасида реализмнинг ҳозирга қадар энг ҳаётбахш метод эканлиги исботланган. Ҳозирча ҳеч қайси ижодий метод адабиётни реализмчалик самарадор анъаналар, бадиий кашфиётлар билан бойитмаган. Агар ҳозирги ўзбек насрининг гуркираб ривожланишига халал бераётган иллатлар кўпайиб кетаётган бўлса, уларнинг аксарияти реализмнинг ўлмас анъаналари-ю принципларини, адабиётнинг азалий меъзонларини менсимаслик, унутиш, асоссиз инкор этиш оқибатида туғилаётганлигини тан олиш керак. Бу иллатлар кўнгилсиз оқибатларга олиб келаётганлигини мен бир асар мисолида ёритишга уриниб кўраман.

«Шарқ юлдузи» журналининг 2000 йил 2-сонида ёзувчи Отаулининг «Улус» деган битиги босилиб чиқди. Уни қаламкашнинг ўзи «достон» деб атабди. Ўқишга киришар эканмиз, унинг деярли бошдан-оёқ насрда ёзилганлигини, ичида фақат бир неча мисрагина Муҳаммад Ёр деган шоирнинг шеъри борлигини кўриб, достон деб аталганидан ҳайратга тушамиз.

Мумтоз адабиётда ҳам, янги замон сўз санъатида ҳам достон тўлиғича назмда ёзилгани ҳолда, деярли бутунича насрда битилган нарсанинг шундай ном билан аталиши беихтиёр таажжуб уйғотади. «Улус»нинг қурилиши ҳам, сюжети ҳам достон жанри мезонларига мос келмайди. Унга, асосан, бир воқеа, яъни улуғ олим Абу Наср Форобийнинг мелодий 923 йили Ироқдан она юртига, аниқроғи, Тошкент ва Ўтрор тарафларга сафари ҳамда шу саёҳат давомида унинг руҳида, онгида рўй берган жараёнлар асос қилиб олинган. Демак, «Улус» достондан кўра кўпроқ тарихий ҳикоя жанрига мансуб деб қаралиши мантиқлироқ бўлади. Деярли асоссиз равишда Отаулининг ҳикояни достон деб атаб юбориши сўнгги вақтлари адабий жанрларга, улар орасидаги чегара ва мезонларга беписанд, ўзбошимчалик билан ёндашувнинг кучайгани оқибатидир. Адиблар ҳозир ҳеч тортинмасдан, кичкинагина қиссани роман, жўнгина фарсни комедия, қуруқ қофиябозликдан иборат тизмалар тўпламини «Хамса» деб эълон қилиб юбормоқдалар. Афтидан, Отаули ҳам «Улус»нинг ҳаяжонли тўқнашувларга, Форобийнинг оташин нутқларига бойлигини ҳисобга олиб, уни достон деб эълон қилишга жазм этган бўлса керак. Лекин шунда ҳам эркакка атлас кўйлак кийгизилгани билан аёлга айланмаганидек, бошқача номлангани учунгина тарихий ҳикоя ҳам достон бўлиб қолмайди. Ҳаёт ҳақиқати қайд этилишининг ўзи билан бадиий асар яралиб қолмайди. У бадиий ҳақиқатга айлантирилгандагина чинакам санъат асари майдонга келади. Шу нуқтаи назардан Отаули ҳикоясига ёндашадиган бўлсак, унда анчагина тўғри гаплар, далиллар, фикрлар мавжудлигини тан олиш керак. Хусусан, ҳикояда Абу Наср Форобийнинг улуғ истеъдод соҳиби бўлганлиги, кишиларни тинчликка, дўстликка чақиргани, янги инсоний жамият қуришга интилгани ҳақидаги фикр-мулоҳазалар равшан ҳақиқатлардек туюлади. Ҳатто муаллиф уларнинг баъзиларини тарихий асар яратиш принциплари, яъни узоқ ўтмиш руҳини очишда ўша давр ҳужжатларига, далилларига, ёдгорликларига, буюк шахсларнинг асарларига, хотираларига таяниш йўлларида фойдаланганлигини ҳам эътироф этиш лозим бўлади. Жумладан, Форобийнинг янги кишилик жамияти яратиш тўғрисидаги қарашларини жонлантиришда олимнинг «Фозил шаҳар фуқаролари» асаридан ўринли фойдаланилгани аниқ сезилиб туради.

Афсуски, муаллиф ҳар доим ҳам шу йўлдан, яъни тарих ҳақиқатини ҳеч кимда шубҳа туғдирмайдиган бадиий ифодалаш йўлидан бормайди. У тарихий асар учун сув билан ҳаводек зарур бўлган бадиий тўқимадан фойдаланишда шундай «кашфиёт»лар яратадики, улар билан танишган китобхон ҳайратдан ёқасини ушлайди. Шундай ўринлардан бири сифатида Буғрохон билан учрашуви вақтида Форобийнинг хаёлидан ўтган қуйидаги ўйларни эслаш мумкин: «Ҳар ким ўз қўмочига кул тортиб, ўз жигаргўшаларини ёмонотлиқ қилавергани билан чинакам ўзбек бўлади-қоладими? Юсуфбек ҳожидек оқиллари бўлган бу қодиру баҳодир шаҳри азимнинг тақдири сендек юраги тор гумроҳга қолдими ҳали?!».

Баҳс

Наҳотки, Форобий роппароса минг йил аввал Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романида Юсуфбек ҳожидек бадиий қаҳрамон тимсоли яратилишини, ҳатто унинг исмини башорат қилган бўлса? Отаули эса, ҳаёт ҳақиқатини унутиб, бадиий тўқимага чексиз эрк беришда давом этади. Масалан, у қайси шаҳар ёки вилоятдан буюк шоирлар етишиб чиққан бўлса, ўша жойларнинг номини Форобий нутқига жойлаб қўяди ва уни Аҳмад Югнакий, Аҳмад Яссавий, Навоийдек улуғ зотлар дунёга келишини олдиндан аниқ айтиб берган тенгсиз башоратчига айлантирмоқчи бўлади. Бунга икрор бўлмоқ учун Форобийнинг Буғрохонга айтган мана бу сўзларини эслаш кифоя: «Агар сиз ҳомий ҳукмдор сифатида ҳаракат қилсангиз, Оллоҳ таолонинг баракоти билан бу азиз-муқаддас тупроқда, анови Боласоғун, Югнак, Ясси, Ўтрор, Сарём, Ҳироту Балх, манови Шош, бошқа қалъа, кент ва шаҳарларимизда, ҳатто беҳисоб қишлоқларимизда шундай шоиру носирлар етишиб чиққайки, улар туркий сўз кўрки ва туркий улуснинг қадди-камолини жаҳонга кўз-кўз этгайлар!».

Бу парчани ўқиган китобхон хаёлидан беихтиёр мана бундай ўйлар ўтиши мумкин: «Қизиқ, нега Отаули Форобийнинг нутқига Кўқон, Хоразм номларини жойлашни унутди экан? Ахир, у ерлардан Мунис, Огаҳий, Муқимий, Фурқат каби машҳур шоирлар етишиб чиққан-ку?».

Форобийнинг Буғрохон билан суҳбатидаги қуйидаги сўзларига ҳам эътибор берайлик: «Модомики, бугун кечаги халифалик ҳудудида мустақил давлатлар қад ростлаётган эканлар, туркий тилимизни шеърият ва илм-фан тили, ҳаттоки давлат тилига айлантиришнинг инон-ихтиёри ҳам, алҳамдулиллоҳ, ўзимиздадур».

Агар ўйлаб мулоҳаза юритадиган бўлсак, Форобийнинг давлат тили тўғрисида гапириши мутлақо мантиқсиз эканлигини эътироф этишга тўғри келади, чунки буюк олим яшаган даврларда бундай тушунча-ю атамалар бўлмаган ва улар, асосан, бизнинг замонамизда майдонга келган.

Ҳикоянинг тилида ҳам мантиқсиз жумлалар анчагина. Фикримизнинг далили учун қуйидаги парчани кўчириб келтириш кифоя: «Ғазнавийлар султони — бир «Искандари соний», сомонийлар шаҳаншоҳи — яна бир «Искандари соний», «Хоразмшоҳ», табиийки, яна бири, бу ёқда қорахонийлар давлатининг ҳукмдори Буғрохон, башарти қадим туркий тилдан қадим туркий тилга таржима қилиб айтилса, «Нортуяхон», ҳойнаҳой, «Искандари соний»ларнинг энг каттаси».

Қанча ўйласам ҳам, «қадим туркий тилдан қадим туркий тилга таржима қилиш» жумласи нимани англатишини тушуна олмадим. Айнан бир тилдан шу тилнинг ўзига таржима қилиш ҳам Отаулининг «кашфиёти» бўлса ажаб эмас.

Отаулининг ёзганлари синчиклаб ўқилса, бундай мисолларни яна кўплаб топиш мумкин бўлади. Ҳолбуки, Форобийнинг ҳаёти, фаолияти, асарлари ва ҳатто она юртига сафари ҳам унинг тенгсиз аллома, улуғ инсон, буюк башоратчи эканлигини жуда таъсирчан тарзда жонлантиришга имкон берувчи далилларга, воқеаларга, суҳбатларга, тўқнашувларга, ривояту афсоналарга ғоятда бой эди.

Демак, Отаули тажрибасидан англашиладики, Абу Наср Форобийдек ватандошимизнинг буюклиги шубҳасиз ва уни ёркин бадиий акс эттириш келажак авлодлар учун ниҳоятда фойдали бўлгани ҳолда, бу улуғворликни кўрсатишда бадиий тўқимага ҳаддан ташқари эрк бериб юбориш самарасиз йўл ҳисобланади.

Саодат СОДИҚ,
филология фанлари доктори

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Адабиёт жамғармаси ҳамда «Саодат» журнали жамоаси шоирлар Миразиз Аъзам ва Қутлибека Раҳимбоевага ўғиллари **Мирсодиқ АЪЗАМОВнинг** бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

«СОҒИНЧ ХАЁЛИ»

Доимий ҳамроҳ

«Мўмин Аваз дилдан камтарин, кангулдан хокисор. Феъли-даги бундай сифатлар, табиийки, унинг битиклари мағзига ҳам кўчган. Битиклари газета ва журналларда босилди. Мўмин Аваз битиқларида сўзнинг чуқур самимияти бор».

Шоир Икром Отамуродниг чин кўнгилдан чиқариб айтган бу эътирофи Мўмин Авазнинг яқинда нашрдан чиққан «Соғинч хаёли» шеърлар ва ҳикоялар тўплами сўзбошисидан жой олган. Бу мажмуагача Мўмин Авазнинг «Таважжуҳ» ва «Садаф ичра марварид» номли шеърий тўпламлари назм ихлосмандлари қўлига етиб борган эди. Шоирнинг янги китобига ҳам ташбеҳларга бой, теран ҳаётий фалсафа йўғрилган шеърлари жамланган. Ушбу сатрлар фикримизга далил бўла олади, деб ўйлаймиз:

Мўмин Аваз

СОҒИНЧ ХАЁЛИ

Шудрингларга чаяди юзин
Сукунатнинг зар соқчилари.
Пирпираган интиқ юлдузнинг
Кенгайган кўз қорачиқлари.

«Соғинч хаёли» тўпламига шоирнинг янги шеърлари билан бир қаторда насрдаги машқлари — бир неча ҳикояси ҳам киритилган. Табиатга меҳр, инсоний қадрият, одамийликнинг ҳар қандай вазиятда устунлиги М.Аваз ҳикояларининг асосий мазмунини ташкил этган.

БОЛАЛАР АДАБИЁТИНИНГ САРДОРИ

Икки оғиз дил сўзи

Болалар адабиёти ҳақида гапирганда биринчи бўлиб тилга тушадиган киши — отахонимиз Ҳаким Назирдир. Агар Ўзбекистон болалар ёзувчиларини бир оила аъзолари деб ҳисобласак, энг кексамиз ҳам Ҳаким Назирдир. Халқимиз «Қариси бор уйнинг париси бор» дейди. Болалар адабиёти хонадонининг қариси ҳам, париси ҳам Ҳаким акамиздир. 1948 йили оқсоқолимизнинг «Қишлоқдаги жиянларим» деган китоби биз — бўлажак болалар ёзувчилари учун бир даъват бўлган эди. Биз чекка-чекка қишлоқлардан келиб, Ҳаким аканинг бағрида ўсдик, катта бўлдик. Худойберди Тўхтабоев Фарғонанинг Ўзбекистон туманидан, Фарҳод Мусажон, Латиф Маҳмуд Тошкентдан, Йўлдош Сулаймон Қўқоннинг Ойдинкўл қишлоғидан, Турсунбой Адашбоев Ўшдан, Сафар Барноев Бухородан, камина Туркистоннинг Кориз қишлоғидан келганмиз у кишининг бағрига. У киши бизга кўп меҳр кўрсатган, устозлик қилган.

Атоқли адибимиз Ҳаким Назир ижодкор дўстлари даврасида

Эсимда, 1952 йили эди. Энди қўлимга қалам олиб, кичик-кичик ҳикоялар машқ қила бошлаганимда Ҳаким ака олдига чақириб, ўзининг қимматли маслаҳатини бергани ва қозоқ адабиётидан таржималар қилиб, радиога олиб келишимни тайинлаганлари. У пайтларда ҳали хом эдик, гўр эдик. Шундай бўлса ҳам ўзининг зарур ишларини бир чеккага қўйиб, биз олиб борган, ҳали етилмаган таржималарни қаттиқ таҳрир қилиб, Ўзбекистон радиосида ўқиттирганлари эсимдан чиқмайди. Одам бировдан меҳр, яхшилик кўргандан кейин ўша қилган яхшилигига яхшилик билан жавоб қайтаргиси келади. Мен ҳам «Гулхан» журналида 1955-56 йиллар ишлаб юрган кезларимда(у пайтлари Ҳаким ака Москвада Олий адабиёт институтида ўқирди) у киши билан хат орқали боғланиб, талай буюртма ҳикоялар ёздириб, қўллаб-қувватлаганимиз эсимизда. Ҳаким аканинг «Чўл ҳавоси» деб аталадиган ҳикояси ўша пайтда ёзилган. Москвадан келганидан кейин Ҳаким ака узоқ йиллар Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида адабий маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Ҳаким ака ҳаммабоп: катта билан катта, кичик билан кичик бўлиб гаплашарди, ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмасди. Худди ўша пайтлари бир йиғинда устоз Абдулла Қаҳҳор Ҳаким аканинг фаолиятига баҳо бериб: «Бу одам Уюшмамизнинг соф ҳавосини таъминлаб турадиган туйнугидир», — деган эди.

Ҳаким ака болалар адабиётининг етакчиларидан бирига айланган эди. У жуда баракали ижод қилди: ўттиздан ортиқ китоби Тошкентда, ўндан ортиқ китоби Москвада чоп этилди. Кўпгина тилга тушган асарлари эса, собиқ иттифоқ жумҳуриятлари нашриётларида босмадан чиқди. У киши жуда банд бўлишига қарамасдан, бошқа юрт адабиётларидан ҳам намуналар таржима қилди. Ахён-ахёнда катталарга ҳам бағишлаб асарлар битди.

Ҳаким аканинг энг савоб ишларидан бири — у кўп йиллар давомида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида болалар адабиёти кенгашига раислик қилди. Кўпгина ёш истеъдодларнинг бошини силади...

Ҳаким ака ўз оиласига меҳрибон ота. Шу ўринда яна Абдулла ака айтган гап ёдимга тушади: 1965 йили Ҳаким ака ўзининг 50 йиллик тўйини қилди. Шунда Абдулла ака ҳовлидаги сўрида оёқларини осилтириб ўтириб, сўраб қолди:

— Болалар нечта бўлди, Ҳакимбой?

— Етти-саккизта...

— Ў-ҳў, бало экансиз-ку, — дебди Абдулла ака ҳайрат билан. — Бу ёғи ҳам деҳқончилик экан-ку. Энди сизни деҳқонбой десак ҳам бўлар экан...

Шу сўздан кейин Ҳаким аканинг тахаллуси Деҳқонбой бўлди-кетди.

Мана, устоз ўз таваллудининг 85 йиллигини нишонлаяпти. Умрингизга барака, устоз! Сизни шогирдларингиз, миллионлаб ўқувчиларингиз муборакбод қилишмоқда.

Бугун кўксингизда «Эл-юрт ҳурмати» ордени. Бу — юксак хизматларингизнинг тан олинганлигидир. Элу юртнинг ҳурмати бундан ортиқ бўладими?

Носир ФОЗИЛОВ

Ҳунардан ҳунар

ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

Яхши ният билан элга тўй беришни орзу қилган инсон борки, одамлар олдига баҳоли қудрат дастурхон ёзсам дейди. Борини ўртага қўйиб, кенг кўнгил билан меҳмон кутади. Ҳар қандай тўйнинг эъзозли таоми эса палов. Тўй ошини «сайратиб» юборадиган ошпаз топиш эса, тўй эгасининг омадидир. Шу боис етти маҳалла у ёқда турсин, етти шаҳар узоқда бўлса ҳам яхши ошпазни топиш пайида бўлади, топган-тутганини унинг қозонига солиб, хизматига тўн кийдириб, эъзозлайдики, бу ҳам халқимизнинг қадим удумларидан.

Тўй ошининг усталари азалдан эл орасида алоҳида иззат-ҳурмат қозонганлар. Чунки эл олдига ёзилган дастурхоннинг қуту-баракаси кўп жиҳатдан моҳир ошпазларнинг санъатига боғлиқдир.

Ҳа, элнинг ошини пишириш, демакки, кўпнинг дуосини олиш шарафли хизмат. Мирсодиқ ака Ортиқов бундай шарафли, жиддий юмушни ўз зиммасига олганига кўп йиллар бўлди. У кимнинг тўйида палов дамламасин, элнинг раҳматини олишга, ошпазлик санъатини кўрсатишга ҳаракат қилди. Кўпнинг тилига тушган довруқли ошпазлардан ўрганишни ор билмади, устоз деб эргашганларининг этагидан тутиб, чин устоз-шогирдик анъаналарига содиқ қолди. Табиатан меҳнаткаш бу инсон астойдил ишлади, изланди ва кам бўлмади. Энди уни узоқ-узоқлардан дараклаб келишади, «тўйнинг ошини Мирсодиқ ошпаз пиширди», дейишса ошхўрлар оқиб келадиган бўлди. Худо тўйга етказса Мирсодиқ ошпазни таклиф этаман, деб холис ният қиладиганлар кўпайди. Хулласки, ҳалол хизмати, қўлининг ширинлиги унинг устозларини ҳам, шогирдларини ҳам мамнун этиб, кўнгилларини кўтарди.

Яқинда Мирсодиқ аканинг ҳаётида унутилмас воқеа юз берди: катта маъракаларнинг бирида Тошкент ошпазларининг энг машҳури кўкчалик Абдураҳмон ака халқ олдида унга очиқ юз билан оқ йўл тилади.

Элнинг эътирофи, устозлар оқ йўли ҳар қандай касбнинг бошини тутган инсон учун дуодек табаррукдир. Ўз маҳорати, санъатини юртдошлари хизматига бахшида этаётган, элнинг дуосини, раҳматини олишни ўзи учун бурч деб билган камтар ва комил инсонларнинг мартабаси янада зиёда бўлгай.

Содиқжон МАҲКАМОВ



«АШУЛАЛАРИМДАН ХИЖОЛАТ ЭМАСМАН»

Ўзбекистон халқ ҳофизи Қувондиқ Искандаров билан суҳбат

Ўзбек қўшиқчилигига Маъмуржон Узоқов, Жўрахон Султонов, Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзовдан кейин кириб келган авлод вакилларидан Таваккал Қодиров, Муроджон Аҳмедов, Ориф Алимахсумов, Орифхон Ҳотамов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Очилхон Отахонов, Зокиржон Султонов, Муҳаммаджон Каримов, Комилжон Баратов, Фахриддин Умаров қаторида Қувондиқ Искандаровнинг ҳам алоҳида ўрни бор.

Шу кунларда отахон ҳофизимиз ўзининг етмиш ёшини нишонлаяпти. Лекин бу куюнчак санъаткор билан суҳбатимиз унинг таваллуд санаси ҳақида эмас, аксаран бугунги қўшиқчилик муаммолари хусусида бўлди.

— Қувондиқ оға, сизнинг санъат йўлини танлашингизга нима туртки берган?

— 8-9 ёшларимда бўлса керак, патефон деган нарса чиқиб қолди. Шунда битта сигиримизни соттириб, патефон олдирганман. Патефонда Ҳалима Носирова, Бобораҳим Мирзаев, Карим Зокировнинг ашулаларини маза қилиб эшитганман. Ҳатто Б.Мирзаевнинг «Жонон қайдадир», «Етар дилдор додим ўзингга» ашулаларини ёдлаб олиб, хиргойи қилиб юрар эдим. Мактабга борганимда мусиқа дарсида шу ашулаларни айтиб бersам, муаллимлар роса хурсанд бўлишди. Мактабни битириш маросимимизга вилоят раҳбарларидан бири келиб қолди. Менга ашула айттиришди ва у киши, бу йигит бўладиганга ўхшайди, Огаҳий театрига юборинглар, деб тайинлаб кетди. Шу-шу санъатнинг нонини териб еб юрибмиз.

— Кимни ўзингизга устоз деб биласиз?

— Вилоят театрига борганимдан сўнг 2 йилча Ҳожихон Болтаевга шогирд бўлиб юрдим, у кишидан кўп нарса ўргандим. Бундан ташқари, Комилжон устадан, Жўрахон Султоновдан ҳам санъат сирларини ўрганганман.

— Хоразм — санъаткорлар воҳаси. У ерда санъатни севмаган ёки ўзи ҳам катта санъаткорларга тақлидан қўшиқ хиргойи қилиб юрмаган одамнинг ўзи йўқ. Кейинги пайтларда ёшлар ўртасида мумтоз қўшиқлар ижросига эътибор сусайиб кетмаяптими?

— Ўзбекистоннинг турли жойларида бўлгани каби Хоразмда ҳам Президентимизнинг миллий эстрадамизни ривожлантириш тўғрисидаги ташаббусларидан кейин санъатнинг бу оммавий турига қизиқиш ниҳоятда кучайди. Эстрадага қизиқувчилар кўпайди. Буни табиий ҳол, деб биламан. Лекин шу билан бирга бугунги кунда санъатга қизиққан истеъдодли ёш-яланг борки, ўзини эстрадага уриб кетаётганини унчалик ҳам тўғри деб бўлмайди. Чунки шу йўлга кирганларнинг бари фақат эстрада юлдузи бўлишига мен, тўғриси, ишонмайман. Бу — қийин нарса. Қолаверса, шовқин-сурон, бақир-чақир билан орттирилган шуҳратнинг умри қисқа бўлади. Уни, ҳатто, реклама ва клипларга сарфланаётган пул билан ҳам узайтириб бўлмайди. Устоз ҳофизларимиз бизга мерос қилиб қолдирган мумтоз мусиқа ва ашулалар руҳига сингиб қолган халқимизнинг, худога шукр, яхши-ёмонни ажратиб олишга фаросати етади.

— Сизнинг кўнглингизни тўлдирадиган, миллий анъаналаримизни давом эттиряпти, дейдиган шогирдларингиз борми?

— Мумтоз ашулачилик йўлини танлаган, унинг машаққатларидан қочмай, ижодини элга манзур қилиш йўлида тер тўкаётган ёшларимиз анчагина. Ўктам Аҳмедов, Сойиб Ниёзов, Гулсара Ғойипова, Марям Сатторова, Насиба Сатторова сингари шогирдаларимиз истеъдодининг шу жиҳати мени қувонтиради. Назаримда, худди эстрада хонандаларининг гала-концерти сингари ёш мақом ижрочиларининг ҳам шахсий ва гала-концертларини уюштириш вақти аллақачон етган. Ўзтелерадиокомпания қошидаги Ю.Ражабий номли «Мақом» ансамбли, Давлат консерваториясида устоз-шогирдлик ишлари анча яхши йўлга қўйилган. Энди гап фақат мақомни, халқ қуйларини кенг оммалаштиришда. Бу борада турли устоз ҳофизлар хотирасига бағишлаб ўтказилаётган кўрик-танловлар, айниқса, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.



— Сизнингча, хонандаликнинг мезонлари борми?

Албатта. Халқнинг олдига чиқаётган ҳар бир киши зиммасига тушаётган масъулият юкининг залворини ҳис қилиши керак. Баъзида айрим тўйларда ёки бошқа йиғинларда баъзи ёш хонандаларимиздан К.Отаниёзов, Т.Қодиров, И.Малаков ижро этган қўшиқларни айтиб беришни сўраб қолишади. Улар елка қисишдан нарига ўтишмайди. Жуда бўлмаганда, мен эстрада қўшиқчисиман, деб қутулмоқчи бўлишади. Менимча, бу тўғри эмас. Чунки саҳнага қўшиқ айтаман, деб чиққан ҳар бир ўзбек миллий мусиқий меросимизнинг вориси эканини унутмаслиги керак. Қолаверса, қаланғи-қасанғи сўзларни, шоир ва композитор билан маслаҳатлашмасдан, ўзларича мусиқа басталаб айтаверишни ҳеч ким оқлаб бўлмайди. Биз, ахир, шеър ёки мусиқани бугун кўраётган ёки кимлардандир ўрганаётган миллат эмасмиз-ку!

— Ашулаларингизни тинглаган киши сизнинг ҳар битта сўзни ҳис қилиб, юрақдан кечириб айтаётганингизни англайди...

— Сабаби шундаки, мен ҳеч қачон ашула учун ўзимга маъқул келмаган шеърни танламайман. Одамнинг ўзига таъсир қилмаган шеърни бошқаларга сингдириб бўлмайди. Гоҳо илгари ўзим ижро этган ашулаларни тинглаб тураман, уларни тинглаб кўзимга ёш олган вақтларим ҳам бўлган. Оллоҳга шукрки, ашулаларимдан хижолат эмасман. Чунки уларни ҳамиша юракдан чиқариб ижро этишга ҳаракат қилганман.

— Қўшиқ куйлаётганда хаёлингиздан нималар кечади?

— Бундай пайтда мен фақат бир нарсани, уни маромига етказиб куйлашни ўйлайман, холос. Тўғриси, ҳар бир ашуланги халққа манзур қилиш осон иш эмас. Бир қўшиқни ўн киши айтиши мумкин. Лекин уларнинг ҳар бирининг қочирими ва авжи бўлакча бўлади. Мен ҳар бир ашула ижроси устида ўзимга манзур бўлгунча ишлайман. Менга манзур бўлган ашула халққа ҳам манзур бўлади. Менга ёқмаса, у ҳеч кимга ёқмайди.

— Сизнинг мақомни ҳам, халқ қўшиқларини ҳам, халқ достонларини ҳам бирдай куйлашингиз сабаби нимада?

— Боя айтганимдай, халқнинг олдига чиқаётган хонанда ҳамма нарсани билиши керак. Сизни тинглаб ўтирган шинавандаларнинг бири мақомни ҳуш кўрса, бошқа бирови енгилроқ қўшиқлар эшитгиси келади. Уларнинг талабини эсдан чиқармаслик лозим. Мен мақом, суворалар билан биргаликда «Гўрўғли», «Ошиқ Ғариб», «Саёдхон ва Ҳамро» сингари халқ достонларидан, халфа қўшиқларидан ҳам соатлаб куйлаган вақтларим бўлган.

— Хоразм қўшиқчилик мактабининг ўзига хос, ниҳоятда машаққатли имтиҳонлари бор дейишади...

— Дарҳақиқат, Хоразмда ҳофиз бўлиш осон эмас. Санъатга кириб келаётган ҳар бир ижрочи «Феруз»(уч «Феруз» 22 дақиқа), Катта Сувора савтиси (15-20 дақиқа), Якпарда Суворани савтиси билан(12-13 дақиқа) ижро эта билиши керак. Уларни узоқ ва авж пардаларда куйлашга ҳар кимнинг ҳам нафаси, овози етмайди. Шу тариқа ижрочилар сараланиб боради. Биз шундай оғир қўшиқларни айтиб эл назарига тушганмиз. Санъат йўлига энди кириб келаётган ёшлар ўша нарсаларни ўзлаштириб олмаса, биз кўп нарсани йўқотамиз.

— Кейинги пайтларда Хоразм ашулачилик мактаби вакилларининг Фарғона ёки бошқа йўлларда қўшиқ айтаётганини қандай қабул қиласиз?

— Мавжуд ягона ахборот макони таъсирида турли ижрочилик йўлларининг ўзаро таъсир натижасида бир-бирига яқинлашуви табиий ҳол. Бошқа ижрочилик мактаби вакилларининг ҳам Хоразм йўлида қўшиқ ижро этаётгани, ҳеч бир ўзбек тўйининг «Лазги» куйи ва ўйинисиз ўтмаслигининг ёмон жойи йўқ. Муҳими, ёшларимиз ўша ижрочилик усулларини бир-бирига аралаштириб юбормаса бўлди.

— Айни пайтда сиздан беш-ўн ёш кичик устоз санъаткорларимиз ҳам ўзини, ёшлардан ортда қолмай дебми, ишқилиб, эстрадада синаб кўряпти. Сиз бунга қандай қарайсиз?

— Мен уларнинг изланишдан тинмаётганини фақат табриклайман. Ўша санъаткорларимизнинг ҳаммаси ҳам эстрадага берилиб кетаётгани йўқ. Масалан, Ортиқ Отажонов, Камолиддин Раҳимов ҳалиям ўзлари шаклланган ва элга манзур бўлган йўлда ижод қилиб келишяпти ва, қизиғи, тингловчиларини йўқотгани йўқ. Ўзимга келсак, ёшимиз анчага бориб қолди, қолаверса, мақомга жуда боғланиб қолганман. Ижодимни мумтоз ашулаларсиз тасаввур қила олмайман. Яна бир томони, ўзбек халқи бор экан, мақом ҳеч қачон «мода»дан қолмайди.

— Республика Радиосининг олтин фондида юздан ошиқ қўшиғингиз бор экан. Уларнинг аксарияти мақом ашулалари, суворалардан иборат. Яна қандай қўшиқлар ижод қилишни истар эдингиз?

— Режаларим кўп. Ижодкор ҳеч қачон ижро этган ёки ёзган нарсасидан қониқмайди, яна нимадир айтгиси, ёзгиси келади. Мен айни пайтда Яссавий, Машраб, Огаҳий, Комил Девоний, Махтумқули сингари шоирларнинг шеърларини қўшиқ қиляпман. Бундан ташқари, замонавий ашулалар айтиш ниятим ҳам бор.

— Биз шу вақтгача фақат ҳофиз Қувондиқ Искандаровни билар эдик. Энди билсак, ажойиб бастакор ҳам экансиз...

— Тўғриси, бастакор бўлиш менинг хаёлимда ҳам йўқ эди. Бир куни дўстим Фаттоҳхон Мамадалиев уйимга келиб, уйда ўтиравераснни, миянгда қанча ғазаллар, ашулалар бор. Шуларни қайта ишлаб ёшларга ўргатишинг, бастакорлик қилишинг керак, деб қолди. Шу-шу бастакорлик ҳам қилаяпман. Айни пайтгача ўзим куй басталаб, ёшларга ўргатган 10-15та ашулам радио фонотекасига қабул қилинди. Худо узоқ умр берса, шу нарсаларни фарзандларимизга, халқимизга қолдираман.

— Устоз композиторларимиздан айрим истеъдодли хонандаларнинг овозини тўй «еб» қўймоқда, деган гапларни эшитганингда юрак зирқирайди...

— Тўғри айтасиз. Ҳар бир истеъдод, аввало, халқ бойлиги. Овоз борида яхши-яхши қўшиқларни ёздириб олиш керак. Аксарият ашулачиларимиз тўйларда ҳам фонограммадан фойдаланиб юришибди. Овози созлигида бир марта ёзиб олинган қўшиғи уни икки-уч йил боқиши мумкин. Бунинг бир қаращда ёмон томони йўққа ўхшайди. Аммо истеъдоди бўлган санъаткор имкон қадар кўпроқ қўшиқлар ёздириши, қўшиқдан-қўшиққа овозини тарбиялаб бориши керак. Тўй мавсумида тинимсиз қўшиқ айтавериш товуш пайчаларини ишдан чиқаради. Санъаткор учун бундан ортиқ фожиа бўлмаса керак. Шунинг учун ҳам айрим эл назарига тушган ашулачиларнинг қўшиқлари 20-30 тадан ошмайди.

Ваҳобиддин ЗИЁ суҳбатлашди

Дунё — кенг...

РИВОЯТДА АЙТИЛГАНЛАР ҲАҚИҚАТМИ?

Америкалик океаншунос Роберт Бэллард жуда кўп ғаройиб кашфиётлар қилган олим саналади. У чўкиб кетган кўплаб кемаларни, жумладан, «Титаник»ни ҳам топишга муваффақ бўлган омадли инсонлардан. 1999 йили у Ўрта Ер денгизи тубида энг қадимги даврга оид кемани топди. Колумбия университети ходимларининг «Нуҳ тошқини» номли китоби эълон қилинганидан кейин Р.Беллард бошлиқ қидирувчилар янги экспедицияга йўл олишди. Китобда ёзилишича, етти минг йил муқаддам Қора денгиз ҳозиргисидан кўра жуда кичик, саёзгина кўл бўлган экан. «Қадимий аҳд» китобида уқтирилишича, табиий офат оқибатида бу кўл денгизга айланган. Мана, шу каби ривоятлар қанчалик ҳақиқатга яқинлигини Р.Бэллард аниқлашга муваффақ бўлаётир. Туркиянинг Синоп бандаргоҳидан 12 мил масофада, 97 метр сув тагида олим антик даврга оид иморатлар қолдиғини учратди. Археологлар махсус аппаратлар ёрдамида 35 квадрат километр денгиз тубини кузатиб, ўрганиб чиқдилар, тарошланган тошлардан қилинган деворни, уй буюмлари, тош ва ёғочдан ишланган нарсаларни топдилар. Сув тагида қолиб кетган бу аҳоли яшаган жой қачон пайдо бўлгани ҳақида Р.Бэллард ҳали аниқ фикр айтгани йўқ. Бироқ бошқа олимлар ривоятларда айтилган Тўфон ва Нуҳ кемаси ҳақидаги гаплар тарихий ҳақиқат бўлиб чиқиши мумкин, деган тахминларни илгари суришмоқда.

«БИТЛЗ» ҚИРОЛИНИНГ ҚОТИЛИ

Ўғри қариса сўфи бўлади, деб бежиз айтишмаган кўринади. Машҳур хонанда Жон Леннон-нинг қотили Марк Чепмен Нью-Йоркдаги Аттика турмасида 20 йил ўтириб, энг намунали маҳбус сифатида қамоқхона маъмуриятининг эътиборини қозонди. Ҳатто у бу ерда христиан динини қабул қилди. Унинг қамоқ муддати тугамасдан олдин озод қилишларини сўраб қилган мурожаати биринчи навбатда Жон Леннон-нинг бевасини қаттиқ ғазаблантирди. Қонунга кўра, муддатдан олдин озод этиш учун жабрланган томоннинг ҳам хайрихоҳлиги лозим. Ж.Леннон-нинг амакиваччаси эса бу қотилни ўша пайтдаёқ электр стулга ўтқазиш лозим эди ва шахсан мен ҳеч иккиланмай тугмани босардим, деди. Хуллас, 20 йил бурунги қотиллик алами ҳали Леннон-нинг яқинлари кўнглини тарк этмаган экан. Махсус комиссия эса М.Чепменнинг Леннонни ўлдиргани «олдиндан режалаштириб, ўйлаб амалга оширилган жиноят» деган хулоса келди ва қотилнинг илтимосини рад этди.

ЭЙНШТЕЙНГА ЕТИШГА ЙЎЛ БЎЛСИН!

1997 йили шахмат бўйича жаҳон чемпиони Гарри Каспаровга ютқазиб қўйган суперкомпьютер «Дип блю» машҳурликда ҳар қандай хонандани ортда қолдиради. «Ай би эм» корпорациясининг буюртмасига кўра ўтказилган тадқиқотнинг натижаси шундан далолат берди. Сўровга олимлар, бизнесменлар, шоу-бизнес етакчилари, сунъий интеллект ва ўйлаб топилган персонажлар номлари киритилган эди. «Дип блю»ни АҚШда ҳар икки кишидан бири «таниркан». Си-эн-эн телекомпаниясининг машҳур диктори Ларри Кинг сўровда 7 балл олган бўлса, «ақлли темир» нақд 9 балл олди. Шунингдек, у машҳурликда миллиардер Д.Трампни ҳам икки баллга ортда қолдириб кетди.

Бироқ инсон ақли билан тенглашишга ҳали ҳар қандай мукаммал машинанинг ҳам қудрати камлик қиларкан. Сўровда А.Эйнштейннинг рейтинги 56 баллни, Э.Преклинники эса 33 баллни кўрсатгани шундан далолатдир.

ФАЗОГИРЛАР ҚИСМАТИ

Самога парвоз қилган космонавтлар орасида Герман Титов энг ёш фазогир сифатида Гиннес рекордлар китобида қайд этилган. У 26 ёшида космосга учган эди. Г.Титов 2013 йили, 76 ёшида иккинчи марта самога парвоз этиб, энг кекса фазогир сифатида номи Гиннес китобига яна бир бор қайд этилишини орзу қилганди. Бироқ у яқинда вафот этди. Ваҳоланки, Г.Титов чекмас, соғлигини жуда асраб-авайлар, бошқача айтганда, унда орзусини амала ошириш имкони бор эди.

Умуман, космонавтлар узоқ умр кўрмасликлари сир эмас. Хусусан, А.Левченко 48, И.Аникеев ва П.Беляевлар 45 ёшда вафот этишди. Хўш, фазогирларнинг умрлари қисқалигига сабаб нима? Хулоса шундай: самога парвоз қилиш чоғида фазогирлар жуда катта босимни ўз вужудларида ҳис этишади ва бу уларнинг соғлиғига путур етазади. Мутахассислар фикрича, нур ва бошқа таъсирлар оқибатида космонавтлар организми жуда тез «қарийди».

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ
* * *
НОШИР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ

Ўзбекистон АДАБИЁТИ ва САНЪАТИ
O'ZBEKISTON ADABIYOTI VA SANA'ATI
2000 йил

Манзилимиз: Тошкент — 700083, Матбуотчилар кўчаси, 32
Қабулхона — 133-52-91
Танқид ва адабиётшунослик, санъат бўлимлари: 136-56-48
Ижтимоий ҳаёт, наср ва назм бўлимлари: 136-56-50

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

Редакцияга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.
Навбатчи муҳаррир — Беккул ЭГАМҚУЛОВ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй
Босишга топшириш вақти—21.00. Босишга топширилди — 20.00.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 24. Буюртма Г. — 909. Ҳажми — 3 босма табоқ. Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсаткичи — 222. Ташкилотлар учун — 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ.
СОТУВДА НАРХИ ЭРКИН

Тиражи—6288.